

ЗУЛФИЯ
МҶМИНОВА



Аёлга

ул беринг

10 2019/4-12
45036
2

Тимошова 3.

и берини
22.5.

2019/4-12


Зулфия МЎМИНОВА

АЁЛГА ГУЛ БЕРИНГ

Тошкент

«Akademnashr»

2017



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

М 99

М 99 Мўминова, Зулфия.

Аёлга гул беринг [Магн]: шеърлар / З.Мўминова. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 192 б.

ISBN 978-9943-4909-1-8

УЎК: 821.512.133-1


КБК: 84(5Ў)6

«Инсон бу дунёда яшар экан, жонини қурбон қилишга арзийдиган муқаддас нимасидир бўлиши керак», – деган эди машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой. Шоира Зулфия Мўминова шеърларини ўқир экансиз, жондан ҳам азиз, жондан ҳам муқаддас Ватан эканини ҳис этасиз. Унинг турли мавзулардаги шеърлари ҳам нозик ришталар билан юрт томирига боғланган.

Тўпلامдаги шеърларини ўқир экансиз, Она Ўзбекистон қошида Онасининг этакларини кўзга суртиб юрагини изҳор қилаётган фарзандни кўрасиз. Бу шеърлар унинг эҳтиромлари, қувончлари, кўз ёшлари...

Тақризчи:

Ойдиннисо, шоира



ISBN 978-9943-4909-1-8

Ю 45036
281

© Зулфия Мўминова «Аёлга гул беринг»

© «Akademnashr», 2017

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
 Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
 Дунёни олиши мумкин жилмайиб.
 Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Гар кўзлари кулиб турса-да.
 Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
 Ой юзлари кулиб турса-да.
 Кўнглини кўтаринг, ҳеч бўлмаганда,
 Қўлини силашга шарофат топинг.
 Йиғлаб турганида, ҳеч бўлмаганда,
 Ёшини артишга мурувват топинг.
 Ногоҳ ерга тушса оппоқ рўмоли,
 Босиб ўтмасликка шафоат топинг.
 Чақалоқ ялаган этакларини
 Тоза деб айтишга адолат топинг.
 Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
 Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
 Дунёни олиши мумкин жилмайиб.
 Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Иллоҳи, нур топинг, ҳидоят топинг.
 Иллоҳи, бахт берган аёл ёнидан
 Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.
 Иллоҳи, қалқонсиз, иллоҳ, қўрғонсиз,
 Гийбатлар йиртмасин кўйлаккинасин,
 Иллоҳи, ҳушёрсиз, иллоҳ, бедорсиз,
 Итлар тишламасин юраккинасин.
 Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да,
 Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
 Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.

СЕН АЁЛСАН

Сен аёлсан, ўзингда куч топ
Гулдек нозик вужудинг билан.
Сен аёлсан, хиёнатни чоп
Илоҳий нур, сужудинг билан.
Сен оловга ёнишдан дарс бер,
Шеър ёза бил тиглар устида.
Сен гулларга ҳусндан қарз бер,
Рақсга туш чўғлар устида.
Атрофингда қашқир увиллар,
Сен ёниб тур, илтимос, сўлма.
Дунё йиғлар, дунё ҳувиллар,
Сен ўлмагин, илтимос, ўлма.
Эзгуликни эмизган ўзинг,
Ҳалолликда танҳосан, тоқсан.
Боласига чопган оҳусан,
Сен Онасан, шу билан ҳақсан.
Болаларинг жавдириб, қўрқиб
Келишингни кутар, букилма.
Сиртмоқларни тишинг билан уз,
Сен ўлмагин, илтимос, ўлма.
Сен ҳавосан, жон бер, ҳаёт бер!
Зулматларни тўлдир зиёга.
Сен меҳр бер, куч топ ва кечир!
Муҳаббат бер, ишқ бер дунёга.

ГЎЗАЛСИЗ

Мен сизни гул десам, гулдан гўзалсиз,
Мен сизни дур десам, дурдан гўзалсиз.
Муболаға нима, минг сифат нечун?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Жилмайиб ўтсангиз, баҳор эргашур,
Жайронлар жавдираб ҳушёр эргашур,
Жаннат қушчалари зор-зор эргашур,
Ё Фарҳод, ё Тохир ошкор эргашур.

Мен сизни сир десам, сирдан гўзалсиз,
Мен сизни шеър десам, шеърдан гўзалсиз.
Мингта қўшиқ нима, минг қиёс нечун?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Ишқу васлингиз деб Қайслар саҳрода,
Кимлар олов ичра, кимлар дарёда,
Муҳаббат мулкида султон сануқсиз
Бу ёлғон дунёда, бу чин дунёда.

Мен сизни нур десам, нурдан гўзалсиз,
Минг пари, паризод, дурдан гўзалсиз.
Гўзаллар тан бермас гўзалга аммо,
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

АЁЛГА ГУЛ БЕРИНГ

Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркак юрагидан унган гулларни.
Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркакнинг меҳридан унган гулларни.

Азизам, онам денг, эъзозга ўранг,
Кўзингизга суртиб этакларини.
Мана шу ҳазрати аёл улғайтган
Дунёнинг ҳазрати эркакларини.

Балои ишқ дашти биёбонида
Бағри тилинмаган аёл бормикин?
Такдирнинг бешафқат тошбўронида
Юраги синмаган аёл бормикин?

Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркак бардошидан унган гулларни.
Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркак кўз ёшидан унган гулларни.

Ҳар битта эркакнинг умр йўлида
Балодан қутқариб қолган аёл бор.
Аждарнинг оғзидан, жар ёқасидан
Сочи-ла суғуриб олган аёл бор.

Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркак қувончидан унган гулларни.

Аёлга гул беринг, мард эркакларнинг
 Рашидан, қизғончидан унган гулларни.

Аёлни, Ватанни севган наслар
 Асрлар қаъридан этади огоҳ,
 Аёлни алдамоқ, онани сотмоқ
 Ватани сотмоқдек энг оғир гуноҳ.

Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
 Эркак нафасидан унган гулларни.
 Ҳайқириқ, бақириқ, чакриғимас,
 Шивиридан, сасидан унган гулларни.

У сизни кечирар, мунису муштоқ,
 У сизни оқлайди, сиз оппоқ, оппоқ.
 Эвазига эса сиздан кутгани
 Тушунмоқ, тушунмоқ, тушунмоқ.
 Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
 Эркак юрагидан унган гулларни.

САОДАТГА

Кушим, қайси боғдан ташриф буюрдинг?
Менга ҳам ол, қулим деди худойим.
Ёқаларим хидлаб жилмайди шамол,
Қўлим ўпиб қўйди ёмғир мулойим.

Ташрифингни кутиб энтиккан кунлар
Энг буюк, энг ширин хаёл бўлдим мен.
Бешигингни қучиб йиғлаган тунлар
Энг мунис, энг гўзал аёл бўлдим мен.

Кўйлакчалар кўриб сим торларимда
Осмоннинг кўзида ёшлар гуллади.
Мен сени кўтариб ўтдим ёнидан,
Рақибнинг қўлида тошлар гуллади.

Дон излашиб келган мусичалардек
Бошмоқларинг турар пойгакларимда.
Митти излар кўриб жилмайди гуллар
Уйимда, йўлимда, йўлакларимда.

Қуриган саҳродек чанқоқ бағримга,
Қулуним, қайлардан чопиб келдинг сен?
Онангни ялмоғиз қувлаган тунда
Йўқотган калитин топиб келдинг сен.

ФАЗОЛАТГА

Сингилжон, сен ухлаб ётибсан,
Вужудингни ёпар қирқ кокил.
Болишга ой бўлиб ботибсан,
Болишингни ўпар қирқ кокил.
Сен уйқудан туриб куласан,
Сочларингда айланар қуюн.
Ўйларимга ҳамроҳ бўласан,
Тикиласан мулойим, мўмин.
Сақлан дейман: қаро қошларинг
Номардларга эланмасинлар.
Қирқ париваш – қирқта сочларинг
Туҳматларга беланмасинлар.
Одамлар бор, олғир қўллари,
Сўзларида қайнайди алдов.
Фариштаман дейди тиллари,
Кўзларида қайнайди алдов.
Лекин қўрқма, боқма нолонли,
Ёмонлардан яхшилар кўпдир.
Бу ҳаётни, дардли ўланни
Куйлагувчи бахшилар кўпдир.
Хув Нарпайни бўйидан бу чоғ
Шаббодалар ўпаётгандир.
Сочларингни излаб қизғалдоқ
Том бошига чиқаётгандир.
Сен-чи, шеърим ўқийсан бу дам,
Кўзларингдан тирқирар хотир.
Елканг узра тебранар хуррам
Опанг учун қирқта хавотир.

* * *

Бу овулнинг ёнидаги чечакка, гулга
Кулгусидан қарз берган ширин бир аёл.
Бу овулга элтгувчи ёвшанзор йўлда
Ковушини қўлга олиб югурар шамол.
Келинлари новвот таъмли уйқуларини
Қўрпасига қўшиб тонгда йигиб қўяди.
Ой юзлари оппоқ-оппоқ туйғуларини
Ёғ кўпирган кувиларга солиб қўяди.
Ёмғир ёғса пичан ўрган, хаёлчан, камтар
Париларни оғушига олар ғарамлар.
Элас-элас тинглаб бошинг юлдузга тегар,
Ғарамларга ётиб қўшиқ айтса санамлар.
Кўнгилларни кўзлаб келган шубҳаю гумон
Саксовуллар орасида қолар оёқдан.
Тулки каби узоқларга қочади ёлғон
Қўрқиб ўтов ёнидаги чўпон таёқдан.

АЁЛ

Аёл ширин бир май бўлар, гулоб бўлар,
 Мард кўпайса, ҳалол лафзли лаб кўпайса.
 Аёл оёқости бўлар, хароб бўлар,
 Мардлар эмас, майда-майда гап кўпайса.
 Кўрпаларнинг қатидаги баҳор бўлар,
 Кечалари уйқу бермас боғ кўпайса.
 Қучогида эритгувчи қор, қор бўлар,
 Қайси юртда мағрур-мағрур тоғ кўпайса.
 Аёл севги юртларида танҳо бўлар,
 Муҳаббатга сиғингувчи дил кўпайса.
 Аёл оёқости бўлур, адо бўлур,
 Этагига тош отувчи қўл кўпайса.
 Аёл йўқни бор айлагич комрон бўлур,
 Эркак деган жаранглаган ханжар бўлса.
 Аёл оёқости бўлур, адо бўлур,
 Тоҳир дея дил очгани аждар бўлса.
 Аёл осон сотилгувчи сир бўлади,
 Номард тўла юрт кўпайса, ер кўпайса.
 Охир ўзи бели боғлиқ эр бўлади,
 Қайда белмас, тили боғлиқ эр кўпайса.

* * *

Даладан етаклаб келганинг
Сигирларни боғларкан толга,
Эслайсан газетада ўқиганингни:
Қаримай деб бир гўзал аёл
Ҳар кун сутга чўмилар эмиш,
Оёғини ювармиш болга.
Ишонмайсан,
Ишларингга қараб кетасан.
Бутун кўрпа қабишинг керак,
Кураш керак болишларингни,
Маъраб турар қўйу қўзилар,
Тингламайди нолишларингни.
Кўрдинг, жўжа очибди товуқ
Ўнга яқин, боқмай нетасан?
Жойлаш керак тушмасдан совуқ,
Товуқхона томон кетасан.
Тозалайсан сувдон, дондонни,
Хас-хушларни четга уясан.
Супураркан тўзгин патларни,
Газетдагин эслаб қўясан:
«Аёл сутга чўмилар эмиш,
Оёғини ювармиш болга.
Ишонмайсан.
Ишларингга қараб кетасан,
Жун титасан,
Тутасан урчуқ,
Ўрмак сари чуваб чопасан.

Чалкаш ипдек хаёлларингни
Калавадан излаб топасан.
Тароқ уриб қўлларинг оғрир,
Бўйнинг оғрир, белларинг оғрир.
Маҳзун боқиб битмаган шолга
Газетдагин эслаб қўясан –
«Аёл сутга чўмилар эмиш
Оёғини ювармиш болга».
Ишонмайсан.
Тандирингга ўтлар ёқасан.
Тут қоқасан, ёнғоқ қоқасан,
Газетларга ҳайрон боқасан,
Хаёл дарёсида оқасан.
«Аёл сутга чўмилар эмиш,
Оёғини ювармиш болга.
... Мен қишлоққа бордим қай куни,
Қурт олибсан, ипак қуртларинг
Ипак уйқусига ўтибди,
Сенинг билан хув ўша хаёл –
Суту болга чўмилган аёл
Шувоқ учун даштга кетибди.

* * *

У, у аёл армонсиз дема,
Ўқ емаган дема елканин.
У тақдирнинг тўфонларини
Енгиб юрган оппоқ бир кема.
Тилло ортган кема эрур у,
Кумуш ортган кема эрур у.
Тилло сочли, кумуш кулгули
Ўдак ётган кема эрур у.
У армонсиз бўларди, балки,
Тиллони деб унга ўқ отар,
Ўғриларга дуч бўлмасайди,
Бу ўғрилар, бу қароқчилар
Тиллоларга ўч бўлмасайди.
Фош этарди ўғриларни у,
Фош этарди қароқчиларни,
Фақат улар ўрмалаган пайт
Тонг бўлсайди, кеч бўлмасайди.
Бу ўғрилар, бу қароқчилар
Кечга бунча ўч бўлмасайди,
У армонсиз бўларди, балки.
Аёл – менинг куйик дилим-а,
Минг ўлиб, минг тирик элим-а,
Яқинингга яқинлашолмай,
Узоқлардан олов отдилар,
Қалтиради пана-панада, куйди,
Куйик чалов отдилар.

Сўнг қайнатиб мишмиш бозори
Қучоқ-қучоқ талов отдилар.
Сен ҳақингда бир ғийбат топса
Миллон-миллон тўлов отдилар.
Тилло томган бармоқ, қўлима,
Минг ўлиб, минг тирик элима
Тиллоларинг ташиб бўлдилар,
Кўмиб бўлди бор шу қушингни
Куйган оғзим, куйган тилима,
Минг ўлиб, минг тирик элим-а,
Калтак еган, муштланган элим,
Қашқирларга тишланган элим,
Ўғри, каззоб бир четда қолиб
Ўғри дея ушланган элим.
Бош кўтариб атрофга қара
Ва атрофга кўрсат қўлингни,
Ўғри қўллар қадоқ бўларми?
Маъюс кўзли бўларми ўғри?
Пахтазорда туғилиб ҳеч вақт
Пахтазорда ўларми ўғри?
Кўнгли юмшоқ, кўнгли ҳалима,
Минг ўлиб, минг тирик, элим-а.
Маҳкам ушла калитларингни
Бегонага бермас бўлдинг сен.
Минг ўлиб, минг тирилдинг энди,
Энди ўлим кўрмас бўлдинг сен.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон – она, онажон!

Она, сандиғингда қонли кўйлак бор,
Қирқ биринчи йилда тешиб ўтган ўқ,
Она, кўкрагингда олов юрак бор,
Қаҳратон, аёзда музлагани йўқ.

Тонгларинг танийди шодмон хўрозни –
Қуёшнинг парчаси тожига қўнар,
Эрка келинларинг ширин аразни
Тугунига туғиб далага жўнар.

Тонгнинг энг оқ қисми ҳатлаб ўтолмай,
Сувчинг яктагида сақлаётир жон.
Иссиқ қучоғингни ташлаб кетолмай,
Олмаларнинг бўйи офтобда ҳайрон.

Қирда буғдой ўрган ботирга аён
Кўзада чайқалган қимизнинг ҳиди.
Ғарамларга аён, чодирга аён
Сулувлар қуритган майизнинг ҳиди.

Тер билан аралаш шу саратонда
Яшил пайкалларга қут томаётир.
Беланчакларингда, салқин шийпонда
Қуёш болалари сут эмаётир...

ЎЗБЕКИСТОН
ОТАМГА ЎХШАР...

17

Аёлга гул беринг

У ҳам саҳар туриб омонлик кутар,
Қизлари – ой каби тўлинларига.
Уялмасин дебми, қарамай ўтар
Ўзидан кеч турган келинларига.
Ана, аравага қишининг ғами –
Саратон сарғайтган янтоқни ортар.
Кейин отам каби пичан ғарами
Ёнида хаёлчан тамаки тортар.
У ҳам қайғуради, далаларини
Тутмасин урушнинг ғубори, доғи.
У ҳам санамайди болаларини,
Баракаси учар деб ўйлайди, чоғи.
Шунданми, уйида чақалоқ кулар,
Ўйнаб бешигининг зар мунчоғини.
Шунданми, аёли ой каби тўлар,
Шод қучиб бешикнинг суянчиғини.
Яктагида терлар ором олар кеч,
Яхшилик кўргазса гапириб юрмас.
Отамдек олганин унутмайди ҳеч,
Бировга не берса ёдида турмас...

2019/4

12

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

БАТАН ТИНЧ – БИЗ ТИНЧ

Ховучимдан оҳулар сув ичган кунлар,
Хурлиқолар афсунларин ечган кунлар,
Гул умримда асал кунлар кечган кунлар
Сура мисол лабларимдан тушмади ҳеч –
Ватан тинч – биз тинч.

Худога бир айтганимнинг ижобати,
Юз иссиғи, кўз иссиғи ҳидояти
Мустақиллик берган бахту саодати,
Боғлиримда оқ гулларни очган севинч –
Ватан тинч – биз тинч.

Тунлар гўзал тушлар кўриб ухлайдирман,
Тонгларида ғунчалайман, гуллайдирман,
Кўнгилларга кўнгилларни йўллайдирман,
Дил уйини ушлаб турган муқаддас синч –
Ватан тинч – биз тинч.

Шоир бўлдим, сирли-сирли хаёл бўлдим,
Шаҳзодалар ечолмаган савол бўлдим,
Иншооллоҳ, бағри бутун аёл бўлдим,
Синдиrolмас, сўндиrolмас мени ўкинч –
Ватан тинч – биз тинч.

Сув ўтларин шивирлаши булоғимда,
Чечакларнинг пичирлаши қумлоғида,
Фақат бешик ғичирлаши қулоғимда,
Кўз тегмасин, такрорлайман оҳиста, тинч –
Ватан тинч – биз тинч.

Шу Ватанни севаман жондан,
 Севдим, яна гўзал бўлди у.
 Оққуш бўлди ҳар тушган қори,
 Ҳар ёмғири асал бўлди у.

Қўлимга сув қўйди булоғи,
 Шамоллари тутдилар сочиқ,
 У қўлини очгани сайин
 Йўли бўлди шунчалар очик.

Шу Ватанни севаман жондан,
 Севдим яна дилбар бўлди у.
 Оқ каптарлар – опам, синглиму
 Жайронлари жигар бўлди у.

Гулзор ичра хонқизчалари
 Лабин қўйди бармоқларимга.
 Мусичаси тунлари юввош
 Юриб чикди қабоқларимда.

Шу Ватанни севаман жондан,
 Севдим, бахти бекам бўлди у.
 Бўричалар эмишганларим,
 Қоплонлари акам бўлди у.

Шеърларимга сарлавҳа ёздим
 Кийик ўтган сўқмоқларидан.
 Ҳайратимнинг нафасин сездим
 Қизғалдоқнинг титроқларидан.

Шу Ватанни севаман жондан,
 Севдим, қатра қоним бўлди у.
 Кўзим, сўзим, умри баёним,
 Жоним бўлди, жоним бўлди у.

ВАТАННИ ҲАР КИМГА ИШОНИБ БЎЛМАС

Дейдилар аслига тортади одам,
Темур авлодисиз, асл шаҳзодсиз.
Юракдан яралган сеҳрли ханжар,
Кўрқувдан озодсиз, ғамдан озодсиз.

Нон каби муқаддас сўз бор дунёда:
Ватанни севмаган йигит йигитми?
Савол бор, саволлар ичра зиёда:
Ватанни севмаган йигит йигитми?

Ватан чақирганда асл мардонлар
Лаббай деган азиз сўздан сўраймиз,
Балони қайирав балогардонлар,
Ватан нелигини сиздан сўраймиз.

Ватан чақирмайди ҳар кимсани ҳам,
Ишонч тушунчаси нақадар чуқур.
Демак, сен бордирсан, демак, кераксан,
Ватан чақирдими, тур, ўрнингдан тур!

Коваклар ичида яшар айрим куш,
Чўққини кўрмаган бургут бургутми?
Савол бор, саволлар ичида дилхуш:
Ватанни севмаган йигит йигитми?

Бешигида гўдак ухлаган юртим
Шукрлар айтади ҳар ёруғ кунга.

Ўғил туғилганда севинган ОНА –
Ватанни ишониб бўлмас ҳар кимга.

Бир бармоғинг куйса шу Ватан учун,
Ўша бармоғингга дoston битай мен.
Олов-ла олишган йўлбарс наърасин
Эллардан элларга сўзлаб ўтай мен.

Қушлар кўп чуғури дунёни тутар,
Булутни кесмаган бургут бургутми?
Савол бор виждонни саволга тутар:
Ватанни севмаган йигит йигитми?

Ватан чақирганда, то танда жон бор,
Лаббай дея олган эрлар, ассалом.
Ватанда бир тола соч куймасин-чун
Оловга кирувчи шерлар ассалом.

ВАТАН ДЕГАН СЎЗ

Ота, умрим ўтгани сайин
Яқин келди Ватан деган сўз.
Шундан ўтган куним азиздир,
Шундан келар кунларим азиз.

Ватан деган сўз билан боғлиқ
Қайғум гўзал, қувончим гўзал.
Кўзларимнинг иссиғи шу сўз,
Ҳаётимнинг мазмуни ўшал.

Булоқлари дардимга дармон,
Шамоллари – олтин тароғим.
Тупроғини кўзимга суртсам,
Равшан тортар чашми қароғим.

Ватан десам, онам келади
Оқ рўмоллар ўраб бошига.
Мен онамдан қарздор каби
Қарздорман шу сўз қошида.

Китоб билан нонни тенг кўрган
Улуғлар дарсхонаси – Ватан.
Меҳнат билан сочи оқарган
Онагинам онаси – Ватан.

Ҳумо қуши безаб турибди
Қомусининг ҳошиясини.
Тонгда туриб куйлар қушлар ҳам
Ўзбекистон мадҳиясини.

Истиқлол – олтин гулим,
 Мен сени на еру на кўкка экдим.
 Кўксимда, ўзимда ўсган гулимсан,
 Мен сени деганда титрайди лабим,
 Ёш тўла кўзимда ўсган гулимсан.
 Неча йил кўзимни очирмадилар,
 Қабоғим ичида ўсган гулимсан.
 Неча йил айтилмай келинган ҳасрат,
 Томоғим ичида ўсган гулимсан.
 Истиқлол – олтин гулим,
 Устидан бекитиб йиғлаган Ойбек,
 Ойбекнинг тилида ўсган гулимсан.
 Халқимдайин содда, буюк Миртемир,
 Боладек кўнглида ўсган гулимсан.
 Гулим, сенинг ҳидинг етиб бордим
 Қодирийнинг номаълум қабрларига,
 Усмон Носир шеър айтиб берган
 Ўша Кемерова, Сибирларига?
 Тошларни-да ёриб чиқолган исён,
 Саратон ичида ўсган гулимсан.
 Қорлардан қўрқмасман, не бу қорбўрон?
 Тошбўрон ичида ўсган гулимсан.
 Истиқлол – олтин гулим,
 Мен нечун жонимни қизғанай сендан?
 Ўғлимда, қизимда ўсган гулимсан.
 Ўлимдан қўрқмагай энди Зулфия,
 Сен қолар изимда ўсган гулимсан.

БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос,
Уйда қалдирғочдек кутган болалар,
Йўлингизга термулган ўйчан келинчак,
Онангиз бомдодда йиғлаб сўраган
Илтижолар ҳаққи, асранг, илтимос.
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос,
Сиз борсиз, кечалар сут каби оппок,
Юрак боғларида очилади гул,
Минг шукр, ўзбекман дейди энтикиб,
Ҳар кун тўйдан чиқиб, тўйга борган эл,
Пок дуолар ҳаққи, асранг, илтимос.
Тошкент – дур, Наманган боғлари жаннат,
Андижон, Фарғона беҳиштга монанд,
Хоразм, Бухоро, доно Самарқанд,
Жиззах учун асранг, Навоий учун,
Қорақалпоқдаги Эллиққалъалар,
Гўзал Қашқадарё, гул Сурхондарё,
Сирдарёлар ҳаққи, асранг, илтимос,
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос.
Навоийдан қолган нурли сатрлар,
Қалбимни ёритган сирли сатрлар,
Паҳлавон Маҳмуддан пирли сатрлар,
Ҳувайдолар ҳаққи, асранг, илтимос,
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос.
Етти иқлим келиб бошин ургувчи,
Ҳайратдан майсалар тошни ёргувчи,
Яратганга яқин-яқин боргувчи,

Муқаддас, муборак зиёратгоҳлар,
 Авлиёлар ҳаққи, асранг, илтимос,
 Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос.
 Нохосдан ловуллаб ёнди дафтарим,
 Мен ҳам кўп йиғладим, мен ҳам дил ярим,
 Акамсиз, укамсиз, жоним, жигарим,
 Дерлар асралганни асрайди Танграм,
 Қодир Худо ҳаққи, асранг, илтимос,
 Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос.

МУСТАҚИЛМАН, УЧИБ ЮРИБМАН

Оёғимга осилган тошларни отдим,
Емадим, ит теккан ошларни отдим,
Кўзимдан сидириб ёшларни отдим,
Мустақилман, учиб юрибман.

Салом, сеторалар, сархуш ҳаволар,
Севгилар, ассалом, салом, вафолар,
Салом, сайёралар, салом, самолар,
Мустақилман, учиб юрибман.

Ростдан ҳам, ушбу бахт ўзимникими,
Лайливаш, жайронқараш кўзимникими,
Тангрига шукрлар сўзимникими?
Мустақилман, учиб юрибман.

Шеърим – зеболигим намоишлидир,
Таъзимим, тавофим азмойишлидир,
Кулгим, табассумим гулройишлидир,
Мустақилман, учиб юрибман.

Салом, саодатим, салом, Ҳумо қуш,
Салом, ҳақиқатга айланган оқ туш,
Бамисоли оққуш, мисоли Ҳаққуш,
Мустақилман, учиб юрибман.

Саодат қасрида нажот меники,
Паризод менингдир, хурзод меники,

Занжирни синдирган қанот меники,
Мустақилман, учиб юрибман.

Сайроқи қушларга сирдош турибман,
Мунаввар тонгларга нурдош турибман,
Пайғамбар қизидек бахтлар кўрибман,
Мустақилман, учиб юрибман.

Орқага – қоронғу хосга қайтмасман,
Дорларга – ул сўнгги нафасга қайтмасман,
Қафасга қайтмасман, қафасга қайтмасман,
Мустақилман, учиб юрибман.

ЭНАСОЙИМ МАНИМ

Кечларни кечирган кечмишим маним,
Ўтларни ўчирган будуним маним,
Гул лаб-ла оловлар ичмишим маним,
Энасойим маним, Ўрхуним маним.

Юракка ўйилган битигим маним,
Жонимга чўғ солган ўтригим маним.
Турна товушидан кўкарган майсам,
Тошларга ҳарф ёзган кипригим маним.

Отларнинг кишнаши, шамшир жаранги,
Тошларни уйғотган Ўтрорим маним.
Ҳислар талошида, гуллар қошида
Фаришталар чалган чилторим маним.

Асрлар чангидан, йиллар чангидан
Атиргул ундирган гулсумим маним.
Тортиниб-тортиниб гулларга қўнган
Табассумим маним, маъсумим маним.

Бешигимга булбул қўндирган бахшим,
Дур оним, сир оним, нур оним маним.
Этагингни ўпсам, энтикар жоним,
Хуш оним, ҳур оним, дур оним маним.

Ақл чархлаётган чархлигим маним,
Фозиллардан фозил фарқлигим маним.
Дунёни ёритсин учун қўйнидан
Қуёшни чиқарган шарқлигим маним.

* * *
Мана, турна қайтди, қайтди қумрилар,
Қай дарахт йиқилди, қай тош сурилар,
Бошга тушганини кўз-ла кўрилар,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Қай кун турна қайтди, онам қайтмади,
Кўнгли ярим-ку деб ҳеч ким айтмади,
Дунё васлу видо учрар байтмиди?
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Умр – маҳзунгина матал, кутайлик,
Эшиklar ёнида маҳтал кутайлик,
Турналарни тўрткўз тугал кутайлик,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Мен кўнглимнинг қули, ўзинг хушёр бўл,
Менга тош отсалар, тани девор бўл,
Дўстим, сен ўлмагин, ёнимда бор бўл,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Изласак, анқо не, анқо топилар,
Ҳар кимга бир жони фидо топилар,
«Одам топилмайди, дунё топилар»,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

Гоҳ билиб-билдирмай ўтар одамлар,
Сувга кетган каби кетар одамлар,
Дунё барчамизга етар, одамлар,
Турналар қайтгунча омон бўлайлик.

МУСТАҚИЛЛИК

Мустақиллик, кутгандим сени
Юракдаги гулларим билан.
Соғинч отли ташнаи зорим,
Кўзимдаги селларим билан.
Мустақиллик, хайрият, келдинг,
Чорлай бори баётим билан,
Куйлай қирқта жоним, шеърларим,
Асрай сени ҳаётим билан.
Мустақиллик, кутгандим сени
Шамолларим, елларим билан,
Орим деган, номусим деган,
Юртим деган элларим билан.
Нурдек иссиқ меҳр кезади
Қирларимда, ўтовларимда.
Соф, самимий муҳаббат кўрдим
Қизғалдоқли яйловларимда.
Мустақиллик, хайрият, келдинг
Пайғамбарлар ўпган тупроққа,
Мустақиллик, жойлайин сени
Юрагимга – қизил япроққа.

АФШОНА

Ибн Сино туғилган қишлоққа бордим,
Юрак санчмай қўйди, бир енгил бўлдим.
Ариқлар ялпизли сувлар ичирди,
Яна оққуш бўлдим, яна гул бўлдим.
Саватларга жойлаб меҳр илинди
Бир-бирига туташ олмали боғлар.
Атир гул бўйи-ла, райҳон бўйи-ла
Кўзимнинг оғригин олди чорбоғлар.
Чинни косаларда шарбат узатди
Ўрик домлалару азиз оқ тутлар.
Қора маржон берди ипакка ўраб
Табиблик қонидан ўтган шотутлар.
Асрдан асрга бол ташир ҳамон
Ҳакимнинг шогирди – асаларилар.
Сутли ақл берар чақалоқларга
Бешикка энгашган гўзал парилар.
Минг бир малҳам излар эшитиб туриб
Ярадор заминнинг нолаларини.
Даволашга юбор, она Бухоро,
Китоб қўлтиқлаган болаларингни.

ШУКРОНА

Ўйланиб ўтардим бу кўчалардан,
Энди кулиб ўтгум, гул териб ўтгум.
Жаннат юзлилар-ла мубораклашиб,
Беклар суҳбатидан нур териб ўтгум.
Алвон гуллар экдим кўнгил – бўстонга,
Истиқлол, мангу қол Ўзбекистонда.

Чашмалар болини энди тушундим,
Қушлар саволини энди тушундим,
Қирлар шамолини энди тушундим,
Томирдек туташдинг юракда – жонда,
Истиқлол, мангу қол Ўзбекистонда.

Энди хазонлардан гул қидирмасман,
Энди нодонлардан дил қидирмасман,
Йўлим сен, мен гирён йўл қидирмасман,
Қариндош тутиндим гул, гулистонга,
Истиқлол, мангу қол Ўзбекистонда.

Шоирман, сўз очсам, гунча очилгай,
Парилар қўлида тугунча очилгай,
Шодлансам, шодликлар шунча очилгай,
Мисли атиргулман тонгги рахшонда,
Истиқлол, мангу қол Ўзбекистонда.

Шеър ила кўнгилни кошона этдим,
Ҳар битта оятни дармона этдим,
Сиғиндим, дуони фарзона этдим,
Яратганга шукр ҳар кун, ҳар онда,
Истиқлол, мангу қол Ўзбекистонда.

МЕХР ДАРАХТИГА ИЛДИЗ БЎЛАЙЛИК

33

Аёлла гул беринг

Вақтимиз йўқ деймиз, вақт бизни ютар,
Худа-беҳудага вақтимиз ўтар,
Эшикка термулиб беморлар кутар,
Қоронғу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Кимдир гапиролмас, кимдир кўрмайди,
Қушлар бор жовдираб қўлга қарайди,
«Меҳрибонлик уйи» меҳр сўрайди,
Қоронғу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Тоғда какликчалар ёлғиз сайрамас,
Сувда балиқчалар ёлғиз яйрамас,
Ким меҳр бермаса меҳр сўрамас,
Қоронғу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Бир-бирин йўғини ёпган одамлар,
Ёлғизлар ёнига чопган одамлар,
Дунёдан дунёлар топган одамлар,
Қоронғу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик.

Дардингни кўзингдан билган ўзбеклар,
Майизни қирқтага бўлган ўзбеклар,
Уйлари бутдойга тўлган ўзбеклар,
Қоронғу тунларда юлдуз бўлайлик,
Меҳр дарахтига илдиз бўлайлик

ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЎПГАН ЙИГИТЛАР

Ҳарбийга кетаётган укаларимга

Шукр, сиз урушга кетганингиз йўқ,
Шукр, сиз тинчликнинг аскарларисиз.
Дуо қилаётган юртга бир қаранг,
Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз,
Талотўп вокзалнинг бир чеккасида
Сизга қарайвериб ўйлайвердим жим,
Юрт сенга ишонар, алпкелбат укам,
Юрт сенга ишонар, шарткесар иним.
Вокзал кулгу, ҳазил, севинч ёшлари
Кезар нон ҳидидек азииз хаёллар.
Энди сиз кетгандан келгунингизча
Тиконлар устида ётмас аёллар.
Энди гурур билан боқар оталар,
Юрак гулханидан кўздаги ўтлар.
Энди фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.
Нон тишлатар одат, энг қадимий урф,
Умид уй тўрида порлаб туради.
Тишлам нон – момолар сақлаган ирим
Сени уйғоқликка чорлаб туради.
Уйғоқлик – пойингга дон излаб келган
Митти қушчаларни синглим деб сийлаш,
Уйғоқлик – ҳар тошнинг ёнида ўсган
Ҳар битта гиёҳни укам деб ўйлаш.

Ватан деганингда дилингда отган
Оппоқ саҳарларга саломлар айтгин,
Ишонч осмонига учирма бўлган
Оққушим, соғ қайтгин, саломат қайтгин.
Илоё, соғ қайт!
Келинчак кирмаган йўлинг соғ қайтсин,
Куёв белбоғ боғлар белинг соғ қайтсин.
Беғубор дилингда ҳарбийда ўсган,
Ватан меҳри деган гулинг соғ қайтсин,
Илоё, соғ қайтсин қора кўзларда
Ғурур гулханидан чақнаган ўтлар,
Ахир фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ўпган йигитлар.

ВАТАНИМНИНГ БАЙРАМИГА, ТҲЙЛАРИГА

Тонгла оппоқ тилак билан учрашасан,
Келсанг, сирли эртак билан учрашасан,
Юртим деган юрак билан учрашасан,
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Тўёнаю тайёргарлик қилиб келди,
Сирдарёнинг санамлари елиб келди,
Сурхондарё барчинлари кулиб келди
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Самарқанднинг сараланган гул юзлари,
Бухоронинг барнолари, ой юзлари,
Кириб келди Навоийнинг юлдузлари
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Узун бўйли қорақалпоқ дилбарлари,
Андижону Жиззахимнинг жавҳарлари,
Ҳовва галди Хоразмнинг сарварлари
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Меҳридарё – Қашқадарё гўзаллари,
Фарғонанинг парилардан афзаллари,
Келутдила Наманганнинг асаллари
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Бунда ақл ақл билан бирлашадир,
Сув парилар сув остида сирлашадир,

Кириб келсанг, юракларинг нурлашадир,
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Шодиёналар истиқлолнинг тимсолидир,
Бахтли элнинг жамолидир, камолидир,
Иймонли юрт ҳаёлидир, иболидир,
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

Дуо қилган момолари юзин кўрган,
Боболари тўйдан чиқиб тўйга кирган,
Кўз тегмасин карнай-сурнай янграб турган
Ватанимнинг байрамига, тўйларига.

ТОШКЕНТ

Курантининг ҳар бонгида ҳикмат кўрдим,
Истиқлолнинг ҳар тонгида талъат кўрдим,
Эзгуликнинг аркасида ҳайрат кўрдим,
Тошкент менга илм берди устоз бўлиб,
Мен ўзимни бир умрга қарздор кўрдим.
«Қорақамиш» сирли қамиш бўлди менга,
Чилонзори тилла, кумуш бўлди менга,
Шайхонтохур, Яккасарой, Миробод бу,
Ушлаганим бахт – Ҳумо қуш бўлди менга,
Тошкент мени шоир қилди илҳом бериб,
Мен юракни шеър экилган гулзор кўрдим.
Олой бозор оқ тутидан тотганим бор,
Кўкчасининг қаймоғига ботганим бор,
Сирғалидан ўргилай деб шеърлар ёзиб,
Анҳорига оқ олмалар отганим бор,
Тошкент ошиқ кўнгил берди, севги берди,
Мен ўзимни Ширин, Лайли наҳор кўрдим.
Гулзор ичра шеър ўқийди Зулфияхон,
Меҳмонлари: Қайсин Қули, Чингиз Айтмат,
Ғафур Ғулом, Қаҳҳор домла пешвоз чиқар,
Турналарга шеър айтади Расул Ҳамзат.
Кечагидек аниқ, тиниқ дийдор кўрдим,
Кўзни юмсам, тушларимда такрор кўрдим.
Бу Тошкент, бу Ҳазрати Имомлар шаҳри,
Шахмат тожин кийган Рустамжонлар шаҳри,
Исломга пойтахт бўлган шонлар шаҳри,
Палаги пок, тоза виждонлар шаҳри.

Нон шаҳри бу, нон увоғин кўзга суртган,
Хадра кўрдим, Ўрда кўрдим, Себзор кўрдим.
Кундан-кунга чирой очар Юнусобод,
«Учтепа»ю «Яшнабод» гуллардан бунёд,
Мирзо Улуғбек туманин кўкида ой,
Юлдузлари ерга тушди салом бериб,
Мен ўзимни осмонга дахлдор кўрдим.
Хожа Аҳрор авлодлари, асиллари,
Қаффол Шоший давомчиси, насллари,
Гулга кириб Қодирийнинг фасллари,
Ер юзига ақл берди, фозил берди,
Мен юракда кўкка етган чинор кўрдим.
Шайхзода, Ойбек домла, Шўхрат домла
Намозгарда «Миллий боғ»да учрашгандир,
Миртемирнинг кўчасидан райхон ҳиди
Туроб Тўла кўчасига туташгандир,
Кўчаларки, сочим билан супураин,
Мен ўзимни бир муносиб дастёр кўрдим.
Бу гул шаҳар, биллур шаҳар, муборак аҳд,
Қай юртда бор бундай пойтахт, бундаин тахт?
Биз унингмиз, у бизнингдир, шу олий бахт,
Ватанимни то абад бахтиёр кўрдим.

* * *

Менинг боболарим йиғлаб келганни
Кўз ёшларин артиб икромлар этган.
Менинг момоларим сув сўраганга
Кумуш косаларда шарбатлар тутган.
Менким хонлар берган, султонлар берган
Қутлуғ Ниғорларнинг зурёдидирман.
Соҳибқирон севган Бибиҳонимнинг –
Сароймулк хонимнинг авлодидирман.
Менинг боболарим муҳаббат ҳаққи,
Тошларни тарошлаб Тожмаҳал этган.
Менинг момоларим Алпомишини
Умр тўлгунча кутган, ўла-ўлгунча кутган.
Менинг боболарим ҳаром-ҳаришни
Эшигин ёнидан ўтказмаганлар.
Менинг момоларим қушчаларни ҳам
Бир ҳовуч дон бермай кетказмаганлар.
Мен ҳайратларим, гулзодларимнинг
Жонидан жонимга ўтган ганжина.
Мен шеър ёзмишим нур зотларимнинг
Қонидан қонимга ўтган хазина.
Гуллари қизларга айланган боғлар:
Боғидилкушо бу, Боғишамол бу.
Қизлари гуллардан жозиб чорбоғлар,
Соҳиби камол бу, ойга тимсол бу.
Ватан деганимда кўзимда қалққан
Севинч ёшларимни артурман мен ҳам.
Ватан дея келиб, Ватан деб кетган
Асл зотларимга тортурман мен ҳам.

НАВРЎДА ЙЎҚЛА

Фирдавс йўлининг очилган куни,
Кўнгилдан тугунлар ечилган куни,
Минг турлик чечаклар сочилган куни
Йўқла, кўнгли камни Наврўзда йўқла.
Жайронлар жуфтини чорлар қирларда,
Дурри шаббарўз порлар қирларда,
Севгилар қирларда, сирлар қирларда,
Йўқла, кўзи нарни Наврўзда йўқла.
Қалдирғоч уйи бор юраккинамда,
Тошларнинг изи бор кураккинамда,
Тишларнинг изи бор кўйлаккинамда,
Ташна дилгинарни Наврўзда йўқла.
Қирларнинг бошида рўмол ҳўл бўлди,
Найсонлар йиғлади, ёши кўл бўлди,
Какликнинг куйидан юрак сел бўлди,
Ғамангиз санамни Наврўзда йўқла.
Зулфия, юракда атиргул келтир,
Ўша атиргулни шартта юл, келтир,
Кўнглини тушунган бир кўнгил келтир,
Йўқла, боши хамни Наврўзда йўқла.
Бир зоғи бедоғ йўқ, дунё шу экан,
Ҳасратким, адоғ йўқ, дунё шу экан,
Хазонсиз чорбоғ йўқ, дунё шу экан,
Бевақт ўчган шамни Наврўзда йўқла.
Не-не даҳоларга сут берган жонсан,
Юраклар қатига битик дostonсан,
Ўзбексан, ўзингга бексан, султонсан,
Шеърим, султон Энамни Наврўзда йўқла.

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ»

Фильмдан сўнг

Тошкент эса ишонади кўз ёшларга,
Йиғлаганга раҳм қилар, шафқат қилар.
Шунданмикин, йиғлаб келган бунда қолиб,
Етти пуштга етгунича давлат қилар.

Тошкент эса нон ёпади тунлар бедор,
Ёмғирларда тандирга паноҳ бўл, дил.
Бунда ҳар бир мажнунтолнинг тагларида
Миртемирлар ухлаб ётар, огоҳ бўл, дил.

ТОШКЕНТ ҳамон ишонади кўз ёшларга,
Кўзи тўқим, нон ҳидидан тўйган шахрим.
Лов-лов ёнган оловданмас, қаловданмас,
Тухматлардан енгичаси куйган шахрим.

Кимга Париж, кимга Москов илҳом берар,
Мен Тошкентни танҳою бир тараф билдим.
Қодирию Усмон ўтган кўчаларин
Сочим билан супуришни шараф билдим.

Мен Қалдирғоч, Алпомишлар руҳларини
Армонларда, аламларда дудлатмасман.
Нон шахрининг нон тугилган дастурхонин
Ҳар қандайин дайди итга ҳидлатмасман.

Қутлуг сенга улуг ҳайрат, улуг ҳасрат,
Ойбек кўз ёш тўккан жойлар жойнамоздир.
Нон увоғи тушган кентга бир, иккимас,
Босмайин деб минглаб қалъа қурсанг оздир.

Туз берганга қирқ кун салом билмаса ким,
Тузини еб тузлигига ким тупурар,
Тошкент уни кечиради, огоҳ бўлким,
Нон шахрининг азизлиги нондек урар.

ЙЎЛЛАРИНГ КЎЗИМГА СУРТАЙ, САМАРҚАНД

Дунёни тавофга чорлаб турурсан,
Инсонни инсофга чорлаб турурсан,
Ҳазрати Хизрга бошлаб борурсан,
Йўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Юлдузларни ушлаб ном топганингда,
Жонларингни бериб шон топганингда,
Қўлларинг куймасму нон ёпганингда?
Қўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Азал афсонасан минг турфа бўлган,
Очилдастурхону нон сурпа бўлган,
Миллат отасига оқ кўрпа бўлган
Гулларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Сароймулкхонимсан бардошни ютган,
Келинлари хонлар, султонлар туққан,
Китоб карвонига елкасин тутган
Чўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
То адолат мангу, саодат мангу,
Имону эътиқод, диёнат мангу,
Барокат эшиги аталган ўнгу
Сўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Шоҳи Зиндам менинг шунда тирилган,
Неча бор қирилган, шунча тирилган,
Тунда ўлдирилган, тонгда тирилган
Борлиғинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Ер юзин талъати дея аталган,
Шафқат салтанати дея аталган,
Бу дунё жаннати дея аталган
Ёрлиғинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Нон каби ушалиб ном топганингда,
Ботирларинг бериб шон топганингда,
Қўлларинг куймасму нон ёпганингда?
Қўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.

НАРПАЙДА КУЗ

Туман кўрпасидан кўриниб қолган
Оёгин узатиб мени кутар тоғ.
Олмаларнинг ширин нафаси қолган
Япроқларни ўпиб ерга қўяр боғ.
Эслайман эскирган ел тегирмонни,
Ёнида дардларин тўкаётган тол,
Янтоқдек дасталаб оғир армонни
Аравага ортиб қайтаётган чол.
Эслайман: хаёли кўзию қўйлар,
Сафсата сотишга вақти йўқ чўпон.
Эшигин хиёнат чертмаган уйлар
Ва қишлоқ четида ғамгин қабристон.
Йиғлаб шеър ёзаман барига тинмай
Бўғзимга жон бўлиб қадалганда сўз.
Кўзимдан шудрингдай оқади Нарпай
Кўпригидан қишлоққа ўтаётган куз.

ҚИШЛОҚ СОҒИНЧИ

45

Аёлла гул беринг

Майсаларни ёпиб қўл-оёғига
Далалар ухлайди, ёбон ухлайди.
Кун бўйи кўтарган оқ таёғига
Ташвишини кўйиб чўпон ухлайди.
Чалғилар ухлайди пичанга ботган
Бармоқлар тафтини ҳис этиб элас.
Ухлайди бўйнига осилиб ётган
Пичан ҳидларидан арава сармаст.
Юлдузлар қишлоққа қўнади тунда,
Райҳонлар тебранар атирга тўлиб.
Шамол тортқилайди, олмалар шунда
Чўмила бошлайди бир ҳовуз бўлиб.
Ҳовлимиз мен борар йўлга термулиб,
Шўрлаган деворга дардин михлайди.
Алвон кўйлак кийган қизни соғиниб
Алвон кўйлагида уфқ ухлайди.
Қишлоқ ухлайди.

ДУНЁ

Дунё яхши, дунё гул дедим,
Дунё ёмон деди ёмонлар.
Яхшиларга етиб боргунча
Юрагимни еди ёмонлар.

Майингина силади оққуш,
Юзларимни ювди найсонлар.
Мен йиғладим, мен қўшиқ айтдим,
Гийбат қилиб чопди ёмонлар.

Қўлларимни ялади оху,
Пойимга бош қўйди қоплонлар.
Топган ҳар бир яхши сўзимни
Ёмонликка йўйди ёмонлар.

Нималарни кўрмади бу бош,
Гоҳ енгилдим, майли, хўп дедим.
Ким кўп дея сўраганларга
Бу дунёда яхши кўп дедим.

Ёғдуларга тўлганда тонглам
Мен худога ёлғиз кул дедим.
Дунё ёмон деди ёмонлар,
Дунё яхши, дунё гул дедим.

* * *

Шоҳни ҳам, гадони ҳам
Бир йўлда кўр, бир йўлда,
Бу дунёнинг ишларин
Ҳар йўлда кўр, ҳар йўлда.

Дунё ёлғон дунёдир,
Билмам тушми, рўёдир.
Меҳмонлари бир-бирин
Кўзларини ўёдир.

Шоҳни ҳам, гадони ҳам
Бир йўлда кўр, бир йўлда.
Бу дунёнинг ишларин
Гоҳ гулда кўр, гоҳ чўлда.

Дунё армон дунёдир,
Қўлларида тош кўрдим.
Ҳалолликнинг, покликнинг
Кўзларида ёш кўрдим.

Шоҳни ҳам, гадони ҳам
Бир йўлда кўр, бир йўлда.

ПЕЛЕНИНГ СИНГЛИСИ

Ака, ҳовлимизнинг шундай ёнида
Қирлар бўлар эди, ям-яшил қирлар.
Кишнаб ўтар эди отлар – уюрлар,
Маъраб ўтар эди қўйлар, сигирлар.
Сайҳонликда, қирнинг текис жойида
Майдон бўлар эди, футбол майдони,
Сен учун бу майдон, бу яшил майдон
Дунёда ягона – энг катта эди.
Қирнинг баланд жойи, харсанг устида
Томошабин зоти – мен битта эдим.
Битта кам бўларди сен ўйнар тараф,
Иккита ўйинчи саналардинг сен,
Қайсар томошабин менинг ўнгимда
Ҳар кун ҳисоб берар, синалардинг сен.
Ҳакам бўлган эмас ҳеч бу ўйинда,
Келишиб ўйнарди иккала томон.
Гол урсанг менга бир қараб қўярдинг,
Қўл силтаб қўярдим мен ҳам сен томон.
Футбол кўриб дарсни қилмаганим-чун
Баъзи бир дарслардан ҳайдалардим мен.
Сени Пеле дея аташар эди,
Пеленинг синглиси аталардим мен.
Мабодо енгилсанг, жим қайтар эдик,
Мен-чи, яширардим кўзим ёшини.
Бошгинангни эгиб турар эдинг сен,
Бош эгиб ичардинг кечки ошингни.

Сумкалар турарди майдон четида
«Икки»лари билан, «беш»лари билан,
Бу ерда ҳеч кимнинг иши йўқ эди
Дунёнинг савдойи ишлари билан.
Энди тушларимга кирар у майдон,
Болалик юртида тож-тахтли майдон.
Беғубор қийқириқ бағрини тутган
Энг покиза майдон, энг тоза майдон.
Ўйинлар тугади, болалик кетди,
Ўшандай севинчга тўлолмадим мен.
Ака, сендан Пеле чикмади, ака,
Пеленинг синглиси бўлолмадим мен.
Қирларнинг ўрнига пахта экилди,
Гол урмоқ ўрнига пахта тердинг сен.
Қанча севинчингни, қанча голингни
Ҳисобчига ўлчаб-ўлчаб бердинг сен.
Ака, бу ўйинда ютқаздинг, ака,
Пахта деб аталган рақибинг ютди.
Хотам деб ёзилган футбол тўпинг ҳам
Пахтазор ичида йўқолиб кетди.
Ҳамон гап очилса футбол ҳақида,
Ўшандай чарақлаб кетар кўзларинг.
Мен-чи, ерга боқиб тилак қиламан,
Тилагимни осмон-фалак қиламан,
Ўғилларинг Пеле бўлсинлар, ака,
Пеленинг синглиси бўлсин қизларинг.

САМАРҚАНДЖОНИМ

Саодат шаҳрисан, сен гул шаҳрисан,
Сен юрак шаҳрисан, сен дил шаҳрисан,
Шоирлар шаҳрисан, кўнгил шаҳрисан,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Мукаррам, муаззам, шариф шаҳарсан,
Неки гўзаллик бор, таъриф шаҳарсан,
Олимлар шаҳрисан, ориф шаҳарсан,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Сени бир кўришга зорлар қанчадир,
Тупроғинг ўполмай хорлар қанчадир,
Васлу фироқингда абгорлар қанчадир,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Соҳибқирон ётган нурли шаҳарсан,
Илоҳий шаҳарсан, пирли шаҳарсан,
Мўъжиза шаҳарсан, сирли шаҳарсан,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Томиримга туташ қишлоқларингму?
Нақшу нигорларинг пештоқларингму?
Парилар сув ичган булоқларингму?
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Самарқанд деганда титрайди жоним,
Дунёга ризқ берган бугдойим, доним,
Ушоғи ҳаётбахш Самарқанд ноним,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Буюк давлатдирмиз, сенингдирмиз биз,
Улуғ миллатдирмиз, сенингдирмиз биз,
У дунё, бу дунё сенингдирмиз биз,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.
Оламни уйғотган бедор шаҳарсан,
Мангу бахт шаҳрисан, баҳор шаҳарсан,
То дунё бор экан, сен бор шаҳарсан,
Самарқанд, Самарқанд, Самарқанджоним.

«ТЕЗРОҚ КЕЛ, ОТАМНИНГ СОҒЛИҒИ ЁМОН»...

Ҳалқумимга келиб тўхтади жоним,
Югурдим, югурдим ортга қарамай,
Унга нима бўлди, далаю доним,
Унга нима бўлди, муқаддас Нарпай?
Қучгин югуртириб, етаклаб қучгин,
Менинг отам битта! Тушун, аэропорт!
Учгин, азобларим елкалаб учгин,
Менинг отам битта! Тушун, самолёт!
Миллионга хавотир кеза бошлайди,
Сонсиз саволларни оралайман мен.
Ҳамшира елкамга халат ташлайди,
Палатага секин мўралайман мен.
Отам ётган жойда койир акамни:
«Сени мендан бошқа ишинг йўқми, айт.
Бориб хотиржам қил дарҳол укангни,
Тезде уйга қайтгин, тез далага қайт!
Отам юрибди де, куйма ҳолимдан,
Ҳаммани сарсону саргардон қилма.
Ҳой, тўхта, айтгандай, бу аҳволимдан
Зинҳор Зулфияни хабардор қилма».
Секин кираману тиз чўкаман жим,
Гарчи у кўз ёшни ёмон кўради.
Оёқларин силаб титрайди қўлим...
Сенга ким етказди – савол сўрайди.
Ўзим шундай, сизни кўргани келдим,
Мени қабул этинг гапсиз, гинасиз.
Оёгингизга бош ургани келдим,
Ахир сиз, ахир сиз биттагинасиз...

САМАРҚАНДДА

Кўзим Боғидилкушода,
Хаёлим Боғибаландда,
Юрагим Боғишамолда,
Самарқандда, Самарқандда.
Бол томар анжирли боғлар,
Нон ҳиди таралар чоғлар,
Бўй гўзар кўксимда тоғлар
Самарқандда, Самарқандда.
Оддий онам, олтин онам,
Ўғлонлари султон онам,
Йўлларга термулган онам
Самарқандда, Самарқандда.
Навоийнинг ёнар сўзи,
Улуғбекнинг ой, юлдузи,
Беҳишту жаннатнинг ўзи
Самарқандда, Самарқандда.
Темур бобом кўзга сурган,
Ал-Бухорий дуо берган,
Бир уйлар бор Хизр кирган
Самарқандда, Самарқандда.
Кўзларимнинг иссиғи у,
Сўзларимнинг тансиғи у,
Зулфиянинг бор-йўғи у,
Самарқандда, Самарқандда.

* * *

Ватани севганлар Ватанда азиз,
Бировнинг онаси она бўлмагай,
Бировнинг отаси ота бўлмагай,
Ҳарки очик эшик хона бўлмагай,
Бунда инсон азиз, жон танда азиз,
Ватанни севганлар Ватанда азиз.
Сени ёт элларда кутиб турган йўқ,
Қабоклари сенга учиб турган йўқ,
Оромидан кечиб-кечиб турган йўқ,
Бунда инсон азиз, жон танда азиз,
Ватанни севганлар Ватанда азиз.
Онам дуо қилган кунларга шукр,
Отам дуо қилган кунларга шукр,
Болам кулиб юрган кунларга шукр,
Бунда инсон азиз, жон танда азиз,
Ватанни севганлар Ватанда азиз.
Ер остида олтин, устида олтин,
Юрт деган юраги остида олтин,
Йигирма беш ёши, шаштида олтин,
Бунда инсон азиз, жон танда азиз,
Ватанни севганлар Ватанда азиз.
Тошни ёриб чиққан гул топилмагай,
Ўзбекдек донишманд дил топилмагай,
Ўзбекдек меҳрли эл топилмагай,
Бунда инсон азиз, жон танда азиз,
Ватанни севганлар Ватанда азиз.

* * *

Ҳаволари жонга малҳам,
Оқар суви асал, қанддир.
Ер юзида жаннат бордир,
Бу, шубҳасиз, Самарқанддир.
Регистоним, Кўксаройим,
Шердорим, Тиллакоримсан.
Сен ўзинг олий тариқат,
Саждага сазоворимсан.
Бу маърифат, бу салтанат
Эзгуликга банду банддир,
Ер юзида жаннат бордир,
Бу, шубҳасиз, Самарқанддир.
Тўфонлардан омон чиққан,
Хазон урмас баҳоримсан.
Оловларда тирилганим,
Яшилим, сабзаворимсан.
Ақлу адлу доноликда
Донишмандликка пайванддир,
Ер юзида жаннат бордир,
Бу, шубҳасиз, Самарқанддир.
Комилу комроним ўзинг,
Зижи Кўрагоним ўзинг,
Юлдузли осмоним ўзинг,
Улугбек султоним ўзинг.
Ҳамон бекзод, шахзодларим
Илму урфон билан банддур.

Ер юзида жаннат бордур,
 Бу, шубҳасиз, Самарқанддур.
 Мени ундан жудо этма,
 Меҳри онамга монанддир.
 Мени ундан айро этма,
 Жони жонимга пайванддур.
 Қадри осмондан баланддир,
 Не баланд, ондан баланддир,
 Ер юзида жаннат бордир,
 Бу, шубҳасиз, Самарқанддир.

* * *

Саҳиҳи Бухорийга,
 Сунани Термизийга
 Саждалар қилиб бордим,
 Йиглаб, бош эгиб бордим,
 Қанча эгилмай шунча
 Осмонга тегиб бордим.
 Саҳиҳи Бухорийга,
 Сунани Термизийга
 Бу ўткинчи кунимда
 Кўзимни юмиб бордим.
 Қоронғу кечаларни
 Нурларга кўмиб бордим.
 Саҳиҳи Бухорийга,
 Сунани Термизийга
 Рухнинг сайёдларидан
 Қочдим, бекиниб бордим,
 Ҳилолга қўниб бордим,
 Ҳаққа юкиниб бордим,
 Саҳиҳи Бухорийга,
 Сунани Термизийга
 Нажот тасбеҳларини
 Юракка солиб бордим,
 Отамни олиб бордим,
 Бола кўтариб бордим,
 Саҳиҳи Бухорийга,
 Сунани Термизийга

Қалбимдаги қушларга
Учмоқ учун чоғландим.
Чашма бўйида гулдек
Томирларга боғландим.
Саҳиҳи Бухорийга,
Сунани Термизийга
Абадий баҳор топдим,
Хазон бўлмас гул топдим,
Ҳар бир саҳифасидан
Аллоҳимга йўл топдим
Саҳиҳи Бухорийдан,
Сунани Термизийдан.

БОБУР ВАТАНГА ИНТИЛУР

Ватан жондан яралганму?
Жон ила танга интилуր.
Дунё Бобурга интилуր,
Бобур Ватанга интилуր.
Карвонлари кўп дунё,
Қароқчилар тўп дунё.
Китоб ортган карвоннинг
Қўнғироғин ўп, дунё.
Дема Бобур зору муҳтож,
Лаъли Яманга интилуր.
Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.
Булбулга не жафо ортиқ
Чамансизлик, чамансизлик.
Одамга ўлимдан ортиқ
Ватансизлик, ватансизлик.
Илдизи она тупроқда,
То тирик анга интилур,
Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.
Бошга олтин тож ортиқча,
Кўзда ёшлар чашма-чашма.
Қаердасан, Амударё?
Бобур ташна, Бобур ташна.
Юз оҳ ила оҳ-фарёди
Тунлар тобонга интилур.

Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.
Узуминингдан бир дона еб,
Қовунингни битта ҳидлаб,
Бобур ўтди туз оҳ дея,
Бобур ўтди йиғлаб-йиғлаб.
Бир жонига неча қасдлар,
Оғулар анга интилур.
Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.
Тахт ортида ажал пойлар,
Тожни бошга танғир ажал.
Ҳар лаҳзада жонини кўзлаб
Санғир ажал, санғир ажал.
Дунё Бобурга интилиб
Жонин олмиш, жонин олмиш.
Андижонда бешик қучиб
Ватан қолмиш, Ватан қолмиш.
Саройлар саодат йўқ
Ки, ғофил анга интилур.
Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.
Ўзга юртнинг олтин тоғи
Ватан бўлмас, Ватан бўлмас.
Шоҳ шоири бўлманг ҳамки,
Сенинг бўлмас, сен тан бўлмас.
Ватан – иймон, Ватан – виждон,
Номусу шаънга интилур.
Бу дунёдан ўтса ҳамки,
Бобур Ватанга интилур.
Дунё Бобурга интилур,
Бобур Ватанга интилур.

БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ!

Осмонларда юрганлар,
Олтин сарой қурганлар,
Не берай деб турганлар,
Болага китоб беринг!
Бола оққуш, оқ қаптар,
Дунёлардан беҳабар,
Ёвузлик топмай хабар,
Болага китоб беринг!
Қинғир йўлга кирмасдан,
Пешонага урмасдан,
Кимдир пичоқ бермасдан
Болага китоб беринг!
Интернет деган аждар,
Симидан оқар заҳар,
Дод демай рўзи маҳшар,
Болага китоб беринг!
Кел дея имлар тузоқ,
Қабр қазир, қазир чоҳ,
Минг, минг астағфируллоҳ,
Болага китоб беринг!
Кўзи очиқ кўрмасдан,
Шайтон йўлдан урмасдан,
Отадан юз бурмасдан
Болага китоб беринг!
Кўкрак кериб юрганлар,
Кўркам сарой қурганлар,
Не берай деб турганлар,
Болага китоб беринг!
«Лисон ут-тайр»ларим,
Юракка сайрларим,

Авлиёзод нурларим,
Болага китоб беринг!
Кўзларни очиш керак,
Ғафлатдан қочиш керак,
Қанот чиқариш керак,
Болага китоб беринг!
Дерсиз: «Пул йиғиш керак,
Олтину кумуш керак»,
Худодан кўрқиш керак,
Болага китоб беринг!
Гуллар қучиб юрганлар,
Гулсаройлар қурганлар,
Не берай деб турганлар,
Болага китоб беринг!
Хазинаи жаҳон у,
Кичик Абу Райҳон у,
Сизга қараб ҳайрон у,
Болага китоб беринг!
Бухорий сарварим у,
Термизий анварим у,
Маҳмуд Замахшарим у,
Болага китоб беринг!
Кескир қилич бўлсин у,
Китобга ўч бўлсин у,
Енгилмас куч бўлсин у,
Болага китоб беринг!
Хонлар каби юрганлар,
Хонсаройлар қурганлар,
Не берай деб турганлар,
Болага китоб беринг!
Навоийни билсин у,
Ёнингизга келсин у,
Бахти бўлсин, кулсин у,
Болага китоб беринг!

ҒИЖДУВОНИЙ БОҒЛАРИДА МАНГУ БАҲОР

Гўдакларнинг қўлчаларин ушлаб келинг,
Келинларга оқ рўмоллар ташлаб келинг,
Куёвларни зиёратга бошлаб келинг,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Тушкин, ғамгин хаёллардан ғолиб келинг,
Кексаларга пойандозлар солиб келинг,
Юролмаса, елкаларда олиб келинг,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Ҳовуз ичра такбир кўрдим, таъсир кўрдим,
Чумолилар карвонида бир сир кўрдим,
Мусаввирлар чиза олмас тасвир кўрдим,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Бу чиройни айтиб адо этиб бўлмас,
Бу ерлардан шунчаки ўтиб бўлмас,
Бу боғларни тиллоларга топиб бўлмас,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Тонгларингни саодатли кўрдим, юртим,
Кунларингни фароғатли кўрдим, юртим,
Ҳар лаҳзангни кароматли кўрдим, юртим,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Сайраб турган қушлар билан жўр бўлайин,
Гунча очган гуллар билан бир бўлайин,
Бўйларингдан айланаин, ўргилаин,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

Келганларнинг товонида чақин турар,
Юраклари нурли турар, ёрқин турар,
Бу боғларки Аллоҳимга яқин турар,
Ғиждувоний боғларида мангу баҳор.

МУАЛЛИМ ДЕГАНИМДА ...

Бардошмисиз, сабрми,
Ташна дилга абрми,
Кечиримли кабрми?
Муаллим деганимда
Уммон келар ёдимга.

Баҳори кузидан кўп,
Гунчаси ўзидан кўп,
Савоби изидан кўп,
Муаллим деганимда
Бўстон келар ёдимга.

Олам унга термулар,
Одам унга термулар,
У-чи, ерга термулар,
Муаллим деганимда
Осмон келар ёдимга.

Сен улуг миллат деган,
Сен қутлуг элат деган,
Тошларни гуллат деган
Авлонийу Бехбудий,
Чўлпон келар ёдимга.

Олтинга ор солмаган,
Қўлёзмаси ёнмаган,
Ёзганидан тонмаган
Мунаввар Қори, Фитрат,
Урфон келар ёдимга.

Жонда – ипак ичинда,
Дуо, тилак ичинда,
Ўрни юрак ичинда,
Муаллим деганимда
Ватан келар ёдимга.

ХОРАЗМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Авлиёлар тавоф этган жойлари,
Заркокиллар сочин ювган сойлари,
Гулҳовузда чўмилгандир ойлари,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Бир юртдирки, Амударё ёнида,
Кут-барака дастурхони, донида,
«Ал-жабр вал-муқобала» шонида,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Асрларки донг таратар элларга,
Ҳар сабоғи нур беради дилларга,
Райҳон экар меҳмон келар йўлларга,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Бу шундай қадрият, бу шундай ҳикмат,
Бу шундай шарофат, шундай саодат,
Яратгандан бизга инъом марҳамат,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Муқаддас тупроқ бу, тилсим очилди,
Истиқлол нуридар сим-сим очилди,
Гулларни оралаб насим очилди,

Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Фарзандман, ҳар лаҳза шукр айларман,
Сўзларга сўз ила таъсир айларман,
Хайратда ҳар тонгин тасвир айларман,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Қушлар шукронаси тонгги бўстонда,
Бир куч бор ўчмаган асрий тўфонда,
Тиз чўкдим донолар ўтган ошёнда,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

Дилдор эшик очди муҳаббат учун,
Бунда яшайдилар садоқат учун,
Тавофга борурман ҳидоят учун,
Хоразмни кўрмабсиз,
Бу дунёга келмабсиз.

ОЙБЕК ДОМЛАГА

Дарахтнинг шохига отилган тошлар
Дарахтнинг пойига чўкар, барибир...
Аммо сиз томонга отилган тошлар
Сизнинг пойингизга чўкканича то
Болишга сел бўлиб чўкди кўз ёшлар,
Сўзлар бўғиздаёқ бўлдилар адо.
Сизга отилган тош қайтгунча то
Келган томонига хатолар қайтди.
Дилдан нидо қайтди, кўзлардан зиё,
Бошларга урилиб савдолар қайтди.
Тошларнинг қайтиши бўлди кўп оғир,
Аммо қорлар қайтди, бўронлар қайтди.
Қайтиш деворида йиғлади ёмғир,
Қушларнинг кўзида осмонлар қайтди.
Сиз сўзни синглим деб қизганган кезлар
Сўзфуруш нархи нақ бозордан айтди,
Исбот қиламан деб ташланган излар
Гулдор эшикларга киролмай қайтди.
Охир умр қайтди қоғоз оралаб,
Елкасига ортиб бир улкан қайғу.
Нолиб ўтирмади ортига қараб,
Демакки, олдиндан билган экан у:
Дарахтнинг шохига отилган тошлар
Дарахтнинг пойига чўкар, барибир.

* * *

Ота!

Ишлар қилдим сиздан яшириб,
Бир жойларга бордим сизга айтмасдан.
Индамай қўйдингиз дардим ошириб,
Билдингиз, илож йўқ сизга қайтмасдан.
Оёқларингизга бошини қўйган
Олапарга айтинг, навбатни берсин.
Сўнг кўрсин шунчаки эрмакка йўйган
Бош қўйиш нақадар муқаддас, кўрсин.
Кўрсин армон отли оқмас кўлларни,
Бошланиш оқими қандай тезобдир.
Бош урганда силаб қўйган кўлларни
Титроқларин сезиш бахтдир, азобдир.
Билай, гийбатлардан узоқ қир, ўтлоқ
Чарчаган руҳимнинг тинч бекатидир.
Онамнинг қабрига туташ шу қишлоқ
Энг улуғ шеърларнинг мамлакатидир.
Минг, минг чақиримдан бошимни эгиб,
Қайт демасангиз ҳам, мен ўзим келдим.
Бу кун майсаларни айтай-айтай деб
Тил учида турган жавобин билдим.
Билдим буюклик-ла ёнма-ён юриб,
Сукут – камтарликка доирликдир бу.
Қайтгин деб бир оғиз айтмасдан туриб
Қайтара олдингиз – шоирликдир бу.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ШУҲРАТНИ ХОТИРЛАБ

Бу сўзлар жонингиз қовуриб чиққан,
Бу сўзлар оромни совуриб чиққан,
Бу сўзлар юракка бош уриб чиққан,
Сиз баҳор фарзанди, бўстонлар ёди,
Кўнгил боғларида гуллаб ётурсиз.

Болталар урилиб ёрилмаган тош,
Балолар урилиб ёрилмаган бош,
Йиглаб ёнган оташ – муқаддас оташ,
Ҳамон шафқатсиздир истеъдодсизлар,
Уларга инсофлар тилаб ётурсиз.

Пойида қиличлар занглаб ётган йўл,
Шоҳида қайчилар занглаб ётган гул,
Рақибни кўтариб уялтирган қўл,
Ҳаммани кечириб ва маъзур тутиб,
Улуғвор ўйларни ўйлаб ётурсиз.

Шеър эшитиб исингаймиз, ёнгаймиз,
Дилсизлардан кетиб ташнаимиз, қонгаймиз,
Сизни ўқиб ғафлатдан уйғонгаймиз,
Унутмоқ, учрашмоқ тўқнаш дунёда,
Дилларни дилларга улаб ётурсиз.

Кўнгил нима ёки ширин тушмикин,
Кўнгил нима, гул шоҳида қушмикин,
Кўнгил нима, бир сўз билан хушмикин?
Мардлар ҳамон босик, номард бақирар,
Уларга жилмайиб қараб ётурсиз.

Хотиротнинг шамларини ёқурсиз,
Юлдузлардан баландларда боқурсиз,
Бир дарёсиз, диллар томон оқурсиз,
Шуҳрат талашади сўзи арзонлар,
Оламини шуҳратга буркаб ётурсиз.

* * *

«Клубга келганмиш Ботир Зокиров...»
Мен чопдим, мен билан болалар чопди –
Чопди жажжи ковуш, жажжи кўйлақлар,
Гўдак нафасидан сармаст йўлақлар,
Пахтазор, буғдойзор, тонгги тилақлар,
Гўёки чанглару далалар чопди...
Кетмонин бир лаҳза қўйди аёллар,
Секин эргашишди бири-бирига.
Саратонни ўраб қайтди рўмоллар,
Жавзо ҳансирарди оққан терида.
«Клубга келганмиш Ботир Зокиров...»

Қоратов ёнида кичик қишлоққа
Дардли ўлан каби кириб келди у,
Қавмини топгандай термулди тоққа,
Куйлаб йиғлади у, куйлаб кулди у.
Сен қандай титрадинг, пахтазор – энам,
У сенга ким эди, отам – дала-туз?
Тинглаб бир бурчакда йиғладим мен ҳам,
Митти кўйлақчада, миттигина қиз.
Энди қишлоқ борсам, сўрашар уни,
Йўқ! У ўлмаган, у келади дейман.
Ошкор қилолмайин ўша қайғуни,
Сизни унутмаган, билади дейман.
Қўшиқ қўрғонлари, гуноҳимдан ўт,
Ёлвордим, барига гувоҳдирсан, ой.
Сен мен ёлғончини тушунгин, Тошкент,
Сен мен ёлғончини кечир, Чиғатой!
Ожизман, боладек беғубор, танти
Чўпонлар ёнида қувондим мен ҳам.
Ночор вазиятда ночор Афанди
Ўзи алдаб ўзи ишонганидай,
Ишондим мен ҳам:
Ўлмаган,
келади Ботир Зокиров...

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

Мен уни танирдим, шивирлар ўрмон,
Доим сўқмоқлардан шошиб ўтарди.
Мен уни танирдим, шивирлар осмон,
Кўзлари ўзимга ўхшаб кетарди.
Уни севар эди барча баробар,
Айниқса, гўзаллар, сохибжамоллар.
Уйига ёғарди мисли оппоқ қор –
Жон фидо мактублар, жонбахш саволлар,
Оламни кузатиб аҳволи нигун
Куйларди: Россиям, тупроғим, далам.
Такрорларди онаси деярли ҳар кун:
«Сергей, яна сенга мактуб бор, болам»,
Жононларки, сарғайтиб йўлида кўзин
Мудом йўқлаб ўтди, сўроқлаб ўтди.
У эса...
Товони тошлиқ қизнинг,
Кўзлари ёшлиқ қизнинг –
Шеърятнинг ортидан кетди.

Менинг оқ атиргулим, чаманзоринг ҳидоятдир,
 «Олмос» берган олмослигинг бу табиий ҳодисотдир.
 Ҳурлиқолар юртиданму париларнинг мулкидан,
 Келишларинг, кулишларинг мўъжизадир, кароматдир.
 Хушлигинг Наманган боғи, кескирлигинг Чуст пичоғи,
 Шоҳ Машрабнинг қизилигинг ёнар сўздан ишоратдир.
 Кўнгил бермиш Алпомишнинг чин мард ўғли, чин бек ўғли,
 Бу ишқ отли салтанатдир, бу илоҳий муҳаббатдир.
 Латифлигинг Мумтоз Маҳал ул суҳбати Аржуманддир,
 Сен сўз айтсанг, чўлу ёбон равзаи рисолатдир.
 Менинг оқ атиргулим, фасли гул айнаи фурсатдир,
 Сен сув ичган дарё улут маърифатдир, маърифатдир.
 Сўз гул эмас, боғда унган, булбул эмас, гулга қўнган,
 Сўз излаб тошларни ёрмоқ бу заҳматдир, бу меҳнатдир.
 Атиргулсиз боғ боғ эмас, атиргулсиз дил чоғ эмас,
 Менинг оқ атиргулим назм элида Хосиятдир.
 Ул очилган юрт жаннатдир, Тангри берган иноятдир,
 Ул боғи абадиятдир, шеъриятдир, шеъриятдир.

Неки қилсам, келаверди чап,
Йиглаб кутди меҳрибон онам.

Бахтсизлигим элдан яшириб
Ўтиб кетди бечорагинам.

Неки қилсам, келаверди чап,
Тақдир лаҳза бўлмади хотам.

Дардларимни ўзига олиб
Ўтиб кетди азизим отам.

Бир кун тонгда ҳансираб, сачраб,
Чап илмини ўрганиб турдим.

Чап бераман энди чапга ҳам?

Мен дунёни ўнг томон бурдим.

Қай томондан келаётир тош,

Хабар берар кўнглимда боғлар.

Ғанимга чап бермоқлик учун

Силжий олар кўксимда тоғлар.

Адоқсиздек тунлар сўнгида

Менинг учун оппоқ тонг отди.

Тилло сочли фариштачалар

Набирамдек ўпиб уйғотди.

Тангрим мени эшитдимикин,

Ўнгдан келди яхши тушларим.

Тошларни-да тешиб ўтдилар

Руҳимдаги олмос қушларим.

Энди чапдан тиг отувчининг

Қўли боғлиқ, тополмайди гап.

Боғим баҳор, тоғим лолазор,

Ўлимга ҳам бермоқдаман чап.

Кутиб ўтди бечора онам,

Кўрмай кетди азизим отам.

ИШҚ

73

Аёлла гул беринг

Бу фасл гул фасли, суҳбат фаслидир,
Оҳулар учрашган ҳайрат фаслидир,
Булбулнинг юз навъ фарёд фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – Фарҳод фаслидир.

Тошларни эритган олов фаслидир,
Йўқолган жаннатни чорлов фаслидир,
Изламоқ фаслидир, сўров фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – Хусрав фаслидир.

Қирнинг қизғалдоққа мафтун фаслидир,
Сувари ўқиган афсун фаслидир,
Йўлбарсни уйғотган жунун фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – Мажнун фаслидир.

Фирдавс боғига йўл фаслидир,
Кўзларни тушунган дил фаслидир,
Бу юрак фаслидир, кўнгил фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – Бедил фаслидир.

Топмоқлик, келмоқлик, ташриф фаслидир,
Гунча оғиз очган лутф фаслидир,
Зулайҳомонандлар ошуб фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – Юсуф фаслидир.

Бу боғлар, бу борлиқ намозхон фаслидир,
Мен севдим, тирилдим, намоён фаслидир,
Фақат ишқ маҳрами султон фаслидир,
Бу сизнинг фаслингиз – жон фаслидир.

АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВГА

Мўминов кўчасида музлар эриди,
Мўминов кўчасидан ариди қишлар,
Истиклол дон сочди кунгураларга,
Мўминов кўчасига қайтди оққушлар,
Бухородан учган оппоқ лайлаклар
Бундан ногорасин чалиб ўтдилар,
Момиқ патларига – туморларига
Дардли бир қўшиқни солиб ўтдилар,
Амир Темур руҳи ўтди бу ердан,
Ўтди Бибихоним дуолар сўраб,
Мирзо Бедил руҳи ўтди бу ердан
Гуллаган ўрикка жилмайиб қараб.
Ҳақиқат, кел, маъюс кўзингдан ўпай,
Ҳақиқат, қўлингга қўнай пардайин.
Иброҳим Мўминов қабрида ўсган
Гулларнинг сенга бир гапи бордайин...
Нимани гапирар гапирса гуллар,
Йўллар, тили бўлса, не деб бўзларди?!
У поклик изларди бани башардан,
Ичи қорадан ҳам оқлик изларди.
Ҳақиқат, оламда тарафдоринг кўп,
Отилиб чиққан кўп, ёриб чиққан кўп.
Лек ёнгин ичидан, ўзи ёнса-да,
Сени олиб чиқиб қўйганларни ўп.
Ҳақиқат, сен унинг синглизимидинг?
Ору номусим деб ҳимоя этди.

Ҳақиқат, сен унинг онасимидинг?
Сенинг ҳимоянгга жонини тутди.
Ҳақиқат, кел ёшли кўзингдан ўпай,
Иброҳим Мўминов ўпган кўзингдан,
Ҳақиқат, не учун бошингда бўрон,
Нечун атиргуллар унар изингдан?
То шу кун ул зотни эслатар бизга
Мусича ташиган ҳазин нолалар,
То шу кун қишларга исён солди
Кипригиндан чиққан чучмомалар.
Ҳақиқат, тилларинг куймайдими, хай,
Қорларга чўғ томди ҳар бир сўзингдан.
Ҳақиқат, қуёшли кўзингдан ўпай,
Иброҳим Мўминов кўрган кўзингдан.

Ота, одам бўлмадим мен,
Кўз ёш бўлдим, абр бўлдим.
Сиз айтган кунларни кутиб
Тоқат бўлдим, сабр бўлдим.
Дедингиз: «Босиқлик ютгай»,
Мен чидадим, оғир бўлдим.
Ёрилтошдек ёрилмадим,
Метин бўлдим, чағир бўлдим.
Ота, одам бўлмадим мен,
Қизғалдоқ ўлган қир бўлдим.
Ўз-ўзига сўзлагувчи,
Қўл-оёқсиз қабр бўлдим.
Кўрдим, ювуқсизлар юрар,
Бир қарадиму кир бўлдим.
Фақат Яратган бегуноҳ,
Бандаси билан бир бўлдим.
Ота, одам бўлмадим мен,
Сотқинлар сотган сир бўлдим.
Ўзимга тик қаролмайман,
Кўзим олдида ер бўлдим.
Ота, ўлсам, қотилим йўқ,
Ўзимга отилган тийр бўлдим.

* * *

Ота, қизинг олис кетди,
Ҳар лаҳзасин ўйладинг.
Баҳор, кузинг олис кетди,
На тиндинг, на ухладинг.
Сўрашади: қизингнинг бу
Ўқиши қачон битар?
Жилмаясан: шеър ёзар у,
Умри ўқишда ўтар.
Жавзо дала-тузларидан
Бутдойин ўриб келар.
Аравангнинг изларидан
Ҳансираб юриб келар.
Пичанзорда пичан ўриб,
Ўй сурасан ҳорғин, жим,
Ўз-ўзингга савол бериб:
Ким эдиму бўлдим ким?!
Айёр, айёр саволларга
Жавобинг содда, сўзсиз.
Гармселу шамолларда
Ҳовли ёлғиз, сен ёлғиз.
Йўл пойлайсан эртаю кеч,
Муҳтарамим, кўп муштоқ.
Мен мевангман, мевалар ҳеч
Тушмас тагидан йироқ.

Мен кимман?

Отам ҳозир аниқ далада,
 Садоларим, айтинг, мен кимман?
 Мен бунда, у қорда, жалада,
 Дуоларим, айтинг, мен кимман?
 Шўр сув кечиб юрган қадамнинг
 Шўрга ботган битта изиман.
 Кирза этик кийган одамнинг
 Шеър ёзувчи нодон қизиман.
 «Қизим бесар юрма Тошкентда», –
 Нарпай ёқдан садо келади.
 Ота номли юракдан – кентдан
 Азоблардан адо келади.
 Изларингда жон берай, ота,
 Азобингдан куйдим, ўртандим.
 Кўз ёшларим эмас-ку хато,
 Мен кулишни энди ўргандим.
 Унда жами шум гумонлардан
 Ишончларинг келолса устун,
 Бунда янчар тегирмонлардан
 Сенинг учун чиқаман бутун.
 Ёлвормагин, баҳор – мавсумлик
 Боз сочингда туман қолади.
 Кўзимдаги туғма маъсумлик
 Сенинг учун омон қолади.
 Сен борасан, шўр босган ерлар,
 Олислардан ёлвориб мен ҳам
 Шеърлар ёздим, бу момик шеърлар
 Йўлларингга шерозий гилам.

* * *

Бу одамнинг боши тош эрур,
Ховлисидан кетмагин, баҳор.
Бу одамга қариндош турур
Қоратовда йиғлаб ётган қор.
Бир аёли бўларди унинг
Сутга чайиб олгандек оппоқ.
Сочидаги қоп-қора туннинг
Банди эди сонсиз кўзмунчоқ.
Деворлари ёнидан бир тун
Бехосият улиб чиқди ит.
Дарвозаси ёнидан шу кун
Қайтмас йўлга йўл олди тобут.
Ўша тундан шу кунга қадар
Боши узра тўкилар қиров.
Ташлаб ғамгин юзига назар
Жўжабиржон деб қўяр биров.
Қабристонга қатнайди ҳар чоқ,
Елкалари букилиб қолган.
Ёриқ товонидан қизғалдоқ
Адирларга тўкилиб қолган.
Ўша ёриқ товонни гирён
Кўз ёшларим қучоқлар, ўпар,
Ўша дашту ёбонга томон
Соғинчларим гўдакдек чопар.
Бунда «бар»лар ўзича порлаб,
Ресторанлар солганда сурон
Сиз омонми, шийпонда терлаб
Айрон ичиб яйраётган жон?
Ота, отажон!

ХАНЖАР АРАВАКАШ ХОТИРАСИГА

Булар аравамга чиқмайди дейсиз,
Тўхтатинг, чиқаман, жон Ханжар бобо.
Негадир узоқдан кўринсангиз сиз,
Нимадир бағримга мих санчар, бобо.
Учириб ҳайдайсиз аравангизни,
Қочирим гаплардан ғолиб келгандай,
Мени, унча-мунча шеър ёзар қизни,
Аравада Тошкентдан олиб келгандай.
Мен шуни сезаман, сиз куйлаган дам
Кўшилгум, дала-дашт яйраб қолади,
Сигир соққанлар ҳам, макка ўрган ҳам
Бошини кўтариб қараб қолади.
«Ундан келар бало бошимга тушди,
Не савдолар Ханжар бошимга тушди?
Бориб айтинг ўша қалами қошга,
Кўз ёшларим оқиб ошимга тушди».
Куйлаймиз гоҳ якка, гоҳо жўр бўлиб,
Овуллар, ўтовлар яйраб қолади.
Йилқи ҳайдаган ҳам, қўй ҳайдаган ҳам
Бошини кўтариб қараб қолади.
Кучоғимни очиб салқин елларга
Мен ҳам аравада айланавергум.
Қадрдон йўлларга, азиз йўлларга
Арава изидек бойланавергум.
Куйлаймиз: «Гулёра, бевафо гулёр,
Сен кечдинг, сендана кечиб бўлмайди.
Гулёрахон, бўйлорингдан гулёр,
Кўз ёши оққан ошни ичиб бўлмайди».
Кимдир салом бермай ўтар бобога,
Ўзи аравада туғилган, асли,
Унутар димоғи кезар ҳавода,
Аравада келин бўлгандир насли.

Бобо хафа бўлмас, юз-кўзида нур,
Аразин бошидан ошириб ташлар.
Барингиз саводли, хушрўйсиз, шукр
Дея ўзи билган қўшиқни бошлар:
«Ундан келар бало қошимга тушди,
Не савдолар Ханжар бошимга тушди?
Бориб айтинг ўшал қалами қошга,
Кўз ёшларим оқиб ошимга тушди».
Бобо севганидан ажралган кундан
Хотирида неча сувсиз ой қолган.
Пана жой тополмай қоронғу тундан
Дилига бекиниб куйган ой қолган.
Куйлайди: «Гулёра, бевафо гулёр,
Сен кечдинг, сендана кечиб бўлмайди.
Гулёрахон, бўйлорингдан гулёр,
Кўз ёш оққан ошни ичиб бўлмайди».
Қай куни қишлоққа бордим ой ўтиб,
Қўлимда жомадон бетоқат ва жим,
Йўл бошида уни тургандим кутиб,
Кимдир шундай деди, эслолмайман ким:
«У киши оёғин узди тупроқдан,
Неки қайғусига ўзимиз чўмдик.
Айтсак, келармидинг шунча узоқдан?
Оддий аравакаш, ўзимиз кўмдик».
Нега келмас эканман, одаммасманми?
Дардларин қўшиққа санчар эди у.
Азали кунларда ҳамдаммасманми?
Аравакаш бўлса ҳам, ханжар эди у.
Чопдим чиқолмайин ҳеч ўйингиздан,
Арава изи қир-қиёда чопдим.
Ўша бурчакдаги ўйингизгача
Кўз ёш билан чопдим, пиёда чопдим.
Гулёр Ханжар бобо, гул бошингиздан,
Сиз кечган дунёдан кечиб бўлмайди.
Бир коса қўйишди ғам ошингиздан,
Кўз ёш оққан ошни ичиб бўлмайди.

ЯХШИ ОДАМ ҲАҚИДА ОДДИЙ САТРАЛАР

Фойдаланар ундан аллаким,
Баъзан ҳеч ким тушунмас уни.
У-чи, санар умидвор ва жим
Турналарнинг қайтар кунини.
Кимдир титраб-қалтираб юриб
У ҳақида «достон» ёзади.
У-чи, қонли уфқни кўриб
Юрагини ушлаб озади.
Жуда пишиқ деб қўяр биров,
Ғийбат қилар ичиб май, чоғир.
У сўроқлар: «Тоғда қиш-қиров,
Чўпон, ҳолинг эмасми оғир?»
Сўзларига асал суртилган
Мунис қизни соғинар абад.
Онасининг ғамлар ортилган
Кўзларига сиғинар абад.
Юрагини ташлаб кетолмас,
Йўргакланган муқаддас ғамлар!
Орқасидан чошиб етолмас
Оғзи билан юрган одамлар.

БОБОМНИНГ ЯЛТАДАН ҚАЙТИШИ

83

Аёлга гул беринг

Болам, обориб қўй мени қишлоққа,
Бу ерда сиқилдим, ранг-рўйимга боқ.
Ялтада нима бор қариган чоғда?
Кетайин аҳволим бўлмасдан чатоқ.
Отимни соғиндим, соғиндим даштни,
Тушимга қўзилар киради бўзлаб.
Ўзга сураверсин бу ерда гаштни,
Мен яшай олмайман ўзимни сизлаб.
Айни қўзилатиш қизгин маҳали
Чўлиқлар қуввати йўққа йўймасин.
Селарик қазилмай тургандир ҳали,
Турналарни биров отиб қўймасин.
Қани, нарсаларим сумкамга жойлаб,
Олма-анорларни улашгин дарҳол.
Уканглар юргандир йўлимни пойлаб,
Вақтимни олмагин, сўрама савол.
Кетаман, шовқинга ўрганган одам,
Сокин сиҳатгоҳда қола олмайман.
Мен ахир шудгорда туғилган одам,
Юмшоқ тўшагингда ўла олмайман.

КУРСДОШИМ ШОИР РАВШАН ФАЙЗ ХОТИРАСИГА

Равшан, бизни бир кулдир, –
Сўрарди санам қизлар.
Сен ёзгандай юзи ой,
Қошлари қалам қизлар.
Кулмай қўйдик, ўрнингни
Билдириб юрибсанми?
Жаннатларда ҳурларни
Кулдириб юрибсанми?
Энди ҳеч ким сим қоқиб
Айтмагайдир пайровлар.
Йўқ самимий сўровлар,
Йўқ самимий чорловлар.
Энди гоҳ-гоҳ тўплансак,
Кулгулар ёлғон чиқар.
Ўртадан Равшан деган
Бир азиз армон чиқар.
Бир кечада дунёни
Доғлаб, тиглатган йигит.
Бизни кулдирган йигит,
Бизни йиғлатган йигит.
Кулмай қўйдик, ўрнингни
Билдириб юрибсанми?
Жаннатларда ҳурларни
Кулдириб юрибсанми?!

Сен Оқтовдан оқиб келган
Оқин эдинг бизларга.
Бир энани эмишгандек
Яқин эдинг бизларга.
Унутилмас талабалик
Кунлар олтин эканлар,
Сен тўйингдан кийиб келган
Тўнлар олтин эканлар.
Хотирада гулхан ёқиб,
Дилни чўғлатган йигит.
Бизни кулдирган йигит,
Бизни йиғлатган йигит.
Илоҳи, жаннатларни
Тўрларини кўрган бўл.
Жаннатларда хурларга
Шеърлар айтиб юрган бўл.

ҚИЗЛАРИМГА

Менинг қўшалоқ кўзмунчоқларимсиз,
Чорасиз қолганда чироқларимсиз.
Ташнаи зор ўлуб титраб турганда
Тумшукда сув тутган чорлоқларимсиз.
Сиз ҳали улғайиб бир қиз бўласиз,
Тиши дур, қошлари қундуз бўласиз.
Садоқат юртининг самоларида
Тўлин ой бўласиз, юлдуз бўласиз.
Сув ичгани келган кийикчаларим,
Дон егани келган оққушларимсиз.
Охир адоқсиздек қаро тундан сўнг,
Ниҳоят, ўнг келган оқ тушларимсиз.
Мени ёшартирар тиниқ кулгунгиз,
Руҳимни чалғитмас пастлар, ёмонлар.
Кўздан ёшим артиб чорлади сизга
Беғубор томонлар – оппоқ томонлар.
Оламда ҳаммани оғайни билган
Беғубору қувноқ айиқчаларим.
Орзу етаклаган, гул етаклаган
Томиримга борлиқ қайиқчаларим.
Қайрилдим неки йўл, йўлақларимдан,
Шону шеърдан кечиб сизларга чопдим,
Бошмоқчалар турган пойгақларимдан
Маънисиз умримга маънилар топдим.
Иллоҳким, гўдаклик менга қариндош,
Елкамга елкадош, жонимга жондош.
Ким гўдак эмирар сиримга сирдош,
Қайғумга қайғудош, конимга қондош.
Дунё боласига чопган буғудир,
Йўлида қиличлар майсадек ётсин.
Иллоҳ, шу буғуга томон йўлланган
Камонлар ўзининг эгасин отсин.

ЖАМИЛАХОН ВА КОМИЛЖОН СИНДАРОВЛАРГА БАҒИШЛАЙМАН

Аллоҳим, ўзингга минг қатла шукр,
Менга сингил бердинг онам туққандай.
Аллоҳим, ўзингга минг қатла шукр,
Менга сингил бердинг, ширинки, қанддай.

Аллоҳим, ўзингга минг қатла шукр,
Менга ука бердинг томири бирдай,
Аллома суҳбатли зукко, тадбирли,
Поклиги дарёдай, кенглиги қирдай.

Мен қай кун ўзингга шукр қилмадим?
Пешонам шўр дедим эгиб бошимни.
Гарчи туғишганим дилим ранжитди,
Тутинганим артди кўздан ёшимни.

Синглим – севинч боғим фарзанд кўрганда,
Қоронғу тунларда қўлладинг, шукр.
Беш марта жонини қайтариб бердинг,
Беш марта тонгларга йўлладинг, шукр.

Укамни ёмондан йироқ асрагин,
Бўхтон сўзловчининг сўзини тушир.
Ўт, сувдан, тухматдан асрагин, яна
Қопқон қўйганларнинг ўзини тушир.

Жуда кўп йўқотиб, иккисин топдим,
Қўлим дуодаю сенда бўлай мен.
Шу иккисин асраб шукр сўрасанг,
Энг кўп шукр айтган банда бўлай мен.

ФАРИДА АФРЎЗ

Афрўз хоним, ишқ юртида қўшиқлар кўп,
Ҳар қўшиққа зор йиғлаган ошиқлар кўп.
Бошни эгманг, бошни эгиб қаттиқ тегманг,
Бир сўз билан юзни енгманг, мингни енгманг.
Кўзда ёшу кўнглимизда боғлар бўлди,
Юрак ичра лолазорли тоғлар бўлди.
Афрўз хоним, ишқ шунча муҳтарам бўлди.
Гуллар эксак, янчиб кетар қадам бўлди.
Барчасига этак силтаб кетай десак,
Тола сочинг олтин деган одам бўлди.
Биз ким бўлдик, ишқ йўлида жон ҳалакми?
Чақир тикан ўраб олган ҳандалакми?
Макр-ҳийла тузоғида жон талашган,
Ўргамчакнинг тўридаги капалакми?
Афрўз хоним, ишқ юртида ашўорлар кўп,
Ашўорлари ўтда куйган баҳорлар кўп.
Бу оловлар нега йиғлаб ёнди десам,
Олов ичра бир кафт бўлган чинорлар кўп.
Биз, аҳли ишқ, кўз ёшларда илдиз отдик,
Ерга урса, осмон бўлдик, юлдуз отдик.
Оёғимиз тортаверди боғлар томон,
Тош отганга олма отдик, шеър, сўз отдик.
Афрўз хоним, айтинг, бизга нима керак?
Меҳр отли давлат ортган кема керак.
Бибихоним салтанатин безаб турган
Ҳаё, ибо бисотидан тугма керак.

Афрӯз хоним, кутганимиз меҳр эди,
Бу кўнгиллар ўзга ҳеч не тиламади.
Биз бош эгиб ишқ саройин супурсак ҳам,
Бошимиздан ишқнинг тожи қуламади.
Умримизда лола вақти, гул мавсуми –
Дил мавсуми шеърга келди, сўзга келди.
Биз боғларга борамиз деб айтиб юрдик,
Кута-кута боғлар ўзи бизга келди.
Афрӯз хоним, айтинг, яна нима керак?!

ОЗОДА БЕКМУРОВОГА

Озодхоним, оппоқлиги қордай хоним,
Муҳаббатнинг бизда қасди бордай, хоним,
Шартизмизни тўқсон алплар кутиб турар,
Ишонмаймиз, ишонч синган тордай, хоним.
Озодхоним, оппоқ хоним, ойдай хоним,
Бу юраклар нола айлар найдай, хоним.
Бизни туққан оқ Оналар ўтганида
Отамизга хотин излаш қандай, хоним?
Отамизга хотин топиб беролдиг-у,
Ўйимизга эга топиб беролдиг-у,
Ўша уйга боролмайин йиғлаб юрдик,
Олислардан юракларни тиглаб юрдик.
Озодхоним, гўзаллиги гулдай хоним,
Умр, асли, борса келмас йўлдай, хоним.
Бошимизга теккан тошлар синиб тушди,
Кўнглимизнинг нозиклиги қилдай, хоним.
Озодхоним, мардликлари шердай хоним,
Назокати париларла бирдай хоним,
Сиз бор бўлинг, Сиз бор бўлинг, Сиз бор бўлинг,
Сиз бордирсиз, кўнглим яшил қирдай, хоним.
Дуо қилинг биз саксонга кирайлик деб,
Дуо қилинг биз тўқсонга кирайлик деб,
Дуо қилинг биз юз ёшга кирайлик деб,
То боламиз отасига хотин эмас,
Ўғилларга келин излаб кулиб юрсин.
Дуо қилинг, биз юз ёшга кирганда ҳам
Кимлардандир оқ атиргул келиб турсин,
Озод хоним, ойдай хоним, гулдай хоним.

**БЎРИ БЎЛИБ УВЛАШНИ
БИЛАДИГАН БИР ЯШАР БОЛА
НИЗОМИДДИНГА**

91

Аёлга гул беринг

Бўрижон, қарашинг бунчалар мўмин,
Бўрижон, товушинг бунчалар ширин.
Ҳидладим йўргагу қўлбоғларингни,
Яладим, кавушинг бунчалар ширин.
Эмаклаб чиқасан олдимга,
Сен нурли даштлардан келгансан.
Минг йиллик музларни эритган,
Оловкор шаштлардан келгансан.
Бери кел, тишлари ойболтам,
Бери кел, тирноғи қиличбоз.
Қоракўз, кўк ёлим, кўкалдош
Шамоллар сочикдир қўлингда.
Қамишлар қорнидан шовуллаб
Шакарлар тўкилган йўлингга.
Бўрижон, увлама самога,
Увласанг, уянгни топишар.
Милтиқли дунёга увлама,
Бери кел, тиззамга бошинг қўй,
Бери кел, юрагим азадор,
Титрама, сен қўрқоқ эмассан,
Сен тулки эмассан ҳийлакор,
Бўричам!
Кел, бирга увлайлик,
Куйлайлик меҳринг қўри ҳақида,
Бўрини ўлдирган одам ҳақидамас,
Одамни эмизган бўри ҳақида.

БОЙСУНЛИК ПОЛВОН

Тоштемир Муҳаммадиевга

Паҳлавон Маҳмуддан куч юққан сенга,
Қирқ бир алпларимдан ўч юққан сенга,
Ўзгача бир кенглик, севинч юққан сенга,
Дил тўла қувонч, дили нур полвон,
Бошинг тошдан бўлсин, Тоштемир полвон.

Юрт мардлари ила мухтасар эрур,
Мардларга ғолиблик муқаррар эрур,
Шодлик, ҳалолликка сарбасар эрур,
Сен мўъжиза полвон, сен бир сир полвон,
Бошинг тошдан бўлсин, Тоштемир полвон.

Борлиги ўзбекка байрам укамсан,
Кучига ишонган хуррам укамсан,
Бори бахтиёрлик, бори дур полвон,
Бошинг тошдан бўлсин, Тоштемир полвон.

Шонинг узоқ бўлсин, мангулик йўли,
Қадр салтанати – эзгулик йўли,
Умринг узоқ бўлсин, йигитнинг гули,
Сен камтарин полвон, кўҳинур полвон,
Бошинг тошдан бўлсин, Тоштемир полвон.

МУҲАББАТ МАВЖУД

93

Аёлла гул беринг

Жайронлар жуфтига боқар жавдираб,
Оққуш қанот қоқар оққушни сўраб,
Дегайман оятлар лабимда титраб...
Муҳаббат бор эди, муҳаббат мавжуд.

Дунё бахтли эди бизга қадар ҳам,
Албат, бахтли бўлар биздан кейин ҳам,
Абад юракгуллар очилар там-там:
Муҳаббат бор эди, муҳаббат мавжуд.

Кўзимда ёш билан куларман мен ҳам,
Тиласам муҳаббат тиларман мен ҳам,
Ишқ билан дунёни оларман мен ҳам:
Муҳаббат бор эди, муҳаббат мавжуд.

Муҳаббат пойида гул бўлажакмиз,
Юрак эшигида қул бўлажакмиз,
Биз, муҳаббатлилар, эл бўлажакмиз,
Муҳаббат бор эди, муҳаббат мавжуд.

Ким айтар Мажнун йўқ, Лайли бўлмагай?
Йиғладим, кўз ёшим ичган сўлмагай,
Муҳаббат ўлмагай, ҳаргиз ўлмагай,
Муҳаббат бор эди, муҳаббат мавжуд.

БОЛАЖОН

Чопқир бола, бўз бола,
Чопқирлардан ўз, бола.
Юрагимга мих кирди,
Тишинг билан уз, бола.
Чопқир чопағоним, ҳай,
Томда ётағоним, ҳай.
Ўғриларни паналаб
Тошлар отағоним, ҳай.
Кўрар кўзларим, бола,
Тилимда айтарим, ҳай.
Рухимдаги боғларим
Сенсиз ярим-ярим, ҳай.
Чопқир бола, бўз бола,
Қора, бўтакўз бола.
Кўзларим қирғоғида
Севинч бўлиб суз, бола.
Юрагингни йўлбарс қил,
Юрагингни шер қилгин.
Қувларни, маймунларни
Тууроқ билан бир қилгин.
Кўнглингни кенг-кенг айла,
Кўкрагингни қир қилгин.
Тошларни-да кемиргич
Тишингни темир қилгин.
Чопқир бола, бўз бола,
Чопқирлардан ўз, бола.
Юрагимда мих занглар,
Тишинг билан уз, бола.

Тўшакларинг тош бўлсин,
Ёстиғинг бардош бўлсин.
Сен даврага тушганда
Хизрим йўлдош бўлсин.
Елканг ерни искамас,
Бошгинанг ҳам бўлмасин.
Чеккада боқиб энанг
Кўзлари нам бўлмасин.
Қамишзорлар ичидан
Кишнаб келар бир тулпор.
Сувлугини тишида
Тишлаб келар бир тулпор,
Алпомишнинг юртидан
Қишлаб келар бир тулпор.
Бўронларнинг елида
Ушлаб келар бир тулпор.
Чопқир бола, уни тўхтат,
Ўзинг билан эл қилгин.
Туёғи теккан жойни
Гулзор қилгин, гул қилгин.
Сағринидан тер қуйилсин,
Ёмғир қилгин, сел қилгин.
Сусамбиллик баҳодирдек
Тошларни чил-чил қилгин,
Чопқир бола, бўз бола,
Менга кўрар кўз бўлгин.
Кўп югурдим бу дунёда,
Келгин, қолар из бўлгин.
Бу маънисиз ҳаётимга
Маъни бўлгин, туз бўлгин,
Ётлар доим ёт бўлдилар,
Ўзинг менга ўз бўлгин.

ЧЎПОН БОЛА

Чўпон бола, чаққон бола,
Ҳайрати осмон бола.
Тишларинг ярми ханжар,
Қолгани қалқон бола.
Хуржунингга сол руҳимни,
Қирларингга олиб кет.
Бўзтўрғайлар бола очар
Ерларингга олиб кет.
Тоғ эчкиси улоқчасин
Эмизганин кўрайин.
Каклик айтган қочиримли
Термалардан терайин.
Чўпон бола, чўлиқ бола,
Хизрга йўлиқ, бола.
Бу ҳудудсиз дашту дала
Сен билан тўлиқ, бола.
Сен шодонсан, эшагингнинг
Узангиси тиллодир.
Мен маъюсман, ҳар қадамим
Майда гапга иншодир.
Ана, қара, тепаликка
Учар гиламинг қўнди.
Менинг учар гиламимни
Ёсуман ёқиб еди.
Сен ухласанг, фаришталар
Юзларингни ялайдир.
Қўриқлайсан, тушингда ким
Томоғингни силайдир?
Ухламайман, ёстиғимга
Ботар тошлар, тиконлар.
Сенга олтин олма ташир
Тунлар типратиконлар.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ШОИРИ ЭНАХОН
СИДДИҚОВАГА

Шаҳарлари келинчак,
Боғлар олтин беланчак.
Қишлоқлари куёвдек,
Бошдан-оёқ нур, чечак.
Ҳар бир сўзинг юракка
Доир бўлиб қайтади.
Фарғонага борганлар
Шоир бўлиб қайтади.
Бир-бирини ҳурматлар,
Бир-бирини қувватлар.
Ҳалол меҳнат ортидан
Беллари бақувватлар.
Ишонч ортиб ўзига,
Дадил бўлиб қайтади.
Фарғонага борганлар
Одил бўлиб қайтади.
Тадбиркори инсофли,
Фозиллари бахтиёр.
Поклик деган дастури,
Инсоф деган дўсти бор.
Фикр қилиб ўзига
Ўчли бўлиб қайтади.
Фарғонага борганлар
Кучли бўлиб қайтади.
Атлас тўқир қизлари,
Қарамайди қайрилиб.
Қўқон, Марғилон кезиб,
Эс-хушидан айрилиб,
Ҳеч бир ҳофиз айтмаган
Қўшиқ бўлиб қайтади.
Фарғонага борганлар
Ошиқ бўлиб қайтади.

ГЎДАКНИНГ ТОМЧИ ЁШИДА...

Ким воз кечди, ким унутди,
Нокасларни туман ютди.
Неки чаман хазон ютди,
Ишончларни гумон ютди.
Гўдакнинг томчи ёшида
Юз йил ўтар, минг йил ўтар,
Бу очунни шодлик тутар,
Бу очунни оқлик тутар.
Кўрдим, номардни не кутар
Гўдакнинг томчи ёшида.
Учган куллар ёнишини,
Қайтар дунё қайтишини,
Ким ўлар чоғ айтишини,
Кўрдим номарднинг ишини
Гўдакнинг томчи ёшида.
Эритдим музлар заҳмини,
Нафас кўргай, оғиз кўргай,
Тиқилиб бир парча олов
Томоқ кўргай, бўғиз кўргай,
Кўз ёшлардаги туз ургай.
Кўрдим нокас қандай тургай
Гўдакнинг томчи ёшида.
Тошларни осмон чорламас,
Чумоли кўкка ўрламас,
«Султон суягин хўрламас»,
Шармисор ултонни кўрдим,

Пастлаган осмонни кўрдим,
Санчилган камонни кўрдим
Гўдакнинг томчи ёшида.
Тириклайин ўлган кўрдим,
Кўнглига қул бўлган кўрдим,
Қочирази хўрликларини,
Исинтирар чўриларни,
Қалтиратар бўриларни
Ки, бир азиз гулхан кўрдим
Гўдакнинг томчи ёшида.

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Мен ёмондан айрилиб,
Яхшини топганинг қани.

Халқ қўшиғидан

Ҳой оқ илон, оппоқ илон,
Бу йўлдан йиғлаб қайтдим,
Тушлар кўрдим мен ёмон,
Тушимни сувга айтдим.
Баридан тўйган жондай
Тонглар тушларим оқди.
Сувга ташланган нондай
Ақлу ҳушларим оқди.
Анавининг тили узун,
Менинг дилим узундир.
Анавининг қўли узун,
Менинг йўлим узундир.
Узун-узун ишончларим
Жон жойидан узилди.
Юракдаги ишонч уйи
Тикланмасдан бузилди.
Ҳой оқ илон, оппоқ илон,
Тишингдаги заҳарму?
Қон йиғладим мен ёмон,
Куйдирганинг саҳарму?
Бир кун душман тузлади,
Такдирга тошлар отдим.
Бир кун дўстим тузлади,
Кўндим, тузларга ботдим.
Атрофда сўзлар таҳир,
Куйдим, кузга айландим.

Тузланавериб охир
Ўзим тузга айландим.
Ҳой оқ илон, оппоқ илон,
Тўнингни ташлаб кетма.
Олиб-олиб менга ёмон
Кунингни ташлаб кетма.
Гумонларда адаштирдинг,
Кулгим ёшга бурилди.
Туманларда адаштирдинг,
Бошим тошга урилди.
Бошидан қон оққанларнинг
Изи ҳам қизил бўлур,
Изидан қон оққанларнинг
Сўзи ҳам қизил бўлур.
Қизгалдоқман, қараб қолгин,
Ялов бўлиб ўтаман.
Аравангни четга олгин,
Олов бўлиб ўтаман.
Эшикларни йиглаб ёпдим,
Эшигингни ёпгин, ёр.
Мен-ку сени севиб топдим,
Сен худодан топгин, ёр.

* * *

*Жаҳондин менга гам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не гам, юз мунча ҳам бўлса, сенингдек гамгусорим бор.*

Бобур

Қизил гулдек қирқилса жон, кимлар терар, ким оҳ урар?
Қирқ жонимни қайтиб берар сенингдек жоннисорим бор.
Тирик туриб унутсалар, хор этсалар, зор этсалар,
Дағи мени бор этгувчи сенингдек эътиборим бор.
Бу касларға термулмасмен, бу хасларға термулмасмен,
Бу пастларға термулмасмен, сенингдек шаҳриёрим бор.
Овозингни эшитган кун осмондамен, ерда йўқмен,
Ситоралар ёғдусида парилар-ла дийдорим бор.
Исминг айтсам латифдурмен, исминг айтсам заифдурмен,
Сенинг исмингни қўйгон ул зотларға миннатдорим бор.
Сен деганда сўзим равшан, кўзим равшан, кўнгил равшан,
«Аллоҳ, Аллоҳ, асра», – дебон дуои бемиқдорим бор.
Сен, эй кўркам, сен, эй кўклам, сен, эй комронлиғ касб этган,
То тирикмен, ҳар сатримга сенингдек сазоворим бор.
Менинг умрим гул нафасли, шу гул титраб турар фасли,
Осилиб ўлсам, ҳавасли сенингдек баланд дорим бор.

Югураман, чиқаман. Қарайман.
Қарайман, пойимда кичик хазонлар
Жуда улкан кузни ютар бемалол.
Боғланмаган дордек учиб мезонлар
Лаҳзаларни қатл этар бемалол.
Қарайман, жон сақлаб турибди кўклам
Арча ниналари ичра санчилиб.
Кўзларимга таниш бир қизил гилам
Уфқнинг пойида ётар янчилиб.
Эртага, эртага шошаяпман мен
Армонларни алдаб, фарёдни тийиб.
Боғу йўлақларда яшаётир куз,
Дарахтлар оҳ урар сарғайиб, куйиб.
Энди олисларга кетмоқда қушлар,
Қулфламасдан инларини – ошённи.
Бунда юлдузчалар кўрмоқда тушлар,
Ўғирлаб кетолмас ҳеч ким осмонни!
Ўғирлаб кетолмас ҳеч ким осмонни!
Хотиржам қайтаман. Зотан, куз...

* * *

Қайдасан деб сўрамагин,
Мен кўнгил тарафдаман,
Сен менинг жонимсан деган
Ширин тил тарафдаман.

Қирмизи қабодаман,
Қизил гул тарафдаман,
Баргида дурри шабаррўз
Атиргул тарафдаман.

Чучмомалар чироқ ёққан
Нурли йўл тарафдаман.
Ўзбекистон деб куйлаган,
Шод булбул тарафдаман.

Ойдин оқшом ғазал айтган
Ойдин дил тарафдаман.
Фузулийда, Яссавийда,
Мен Бедил тарафдаман.

Навоийда ҳам Бобурда,
Аҳли дил тарафдаман,
Аҳли хушфетъл, аҳли хуршид,
Хушнид эл тарафдаман.

Байрамдаман, хуррамдаман,
Тўй, сайил тарафдаман.
Юртни ғафлатдан уйғотган
Ул фозил тарафдаман.

* * *

Оға, гараз қора, кинлар қорадир,
Сизни туш кўрмаган тунлар қорадир.
Болангиз сўраса: «Олисга кетган,
Келади демаган кунлар қорадир».

Тун. Сокин ухлайди қушлар, арилар,
Ёлғонга ишониб ухлайди гўдак.
Мен билан илтижо қилар парилар,
Оқ гуллар титрашиб қилади тилак.

Кеч. Ишдан қайтаман уни етаклаб,
Сочдан тирноққача югуради ўт.
«Болам, йиғламай ўт шу дарвозадан,
Болам, шу кўчадан кулибгина ўт».

Сочлари юзимга урилар – савол,
Саволи сўзимга урилар – савол.
Ярадор полапон, ўйчан полапон
Кўзлари кўзимга урилар – савол.

Кутмасам, кутишни тошларга отдим,
Минг бир саволимни бошларга отдим,
Қон оққан бошимни тошларга отдим,
Кўз ёшни сиз ичган ошларга отдим.

Оға, қўйнингизда бир гуноҳ ётар,
Қўллари қип-қизил, оёғи қора.
Гўдак кўз ёшига қурган бахтингиз
Бошланиши қора, адоғи қора.

Ҳаммага қўнувчи бир қуш эмасман,
 Мард, номард кўрувчи бир туш эмасман,
 Мен-да бедордирман, беҳуш эмасман,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Бу дардни кимсага айта олмасман,
 Юракни суғуриб ота олмасман,
 Аллоҳдан ва сендан кета олмасман,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Сени кўрган кундан зиёландим мен,
 Сим-сим саболандим, садоландим мен,
 Ишқ деб жазоландим, жазоландим мен,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Бир кун азобларим мукофоти бор,
 Фақат оғу эмас, қанд-новвоти бор,
 Ишққа икки дунё саодати бор,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Сен шеърсан, мен сенга ёзмай етурман,
 Мен сени кўнгилга олиб кетурман,
 Мен сенга қўлимни чўзмай етурман,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Нурланиб борурман бамисоли моҳ,
 Бўғзимда ёнар тош ҳар недин огоҳ,
 Мен кимман, ишқ надир, Аллоҳим гувоҳ,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Бу кадр кечаси нега тенг келур?
 Сенинг исминг Аллоҳимдан сўнг келур,
 Сен кимсан, Сен десам, ишим ўнг келур,
 Бирда Аллоҳ дедим, бирда сен дедим.

Ўзинг айт, қурбонинг бўлай,
 Ўзинг айт, садағанг кетай.
 Кўзим фақат гулни кўриб,
 Тиконни кўрмаса, нетай?
 Мен қандайин ўқ емайин,
 Мен қандайин йиқилмайин?
 Кўзим оқ қушларни кўриб,
 Камонни кўрмаса, нетай?
 Бу кўнгил, мафтуна кўнгил,
 Қандайин бартараф этай?
 Кўзим бахтлар саройида,
 Вайронни кўрмасам нетай?
 Олма отиб ўйлаюрман,
 Гулга ботиб ўйлаюрман.
 Майда-чуйда фойдасию
 Зиённи кўрмасам нетай?
 Тунлар ойнинг ёғдусида,
 Ойна кўлнинг кўзгусида.
 Фаришталарни кўрсам-у,
 Шайтонни кўрмасам нетай?
 Қошимга қўнса қалдирғоч,
 Бармоғим ўпса бўзтўрғай.
 Чумолига қўл узатиб,
 Чаённи кўрмасам нетай?
 Салом бермай ўтди дермиш,
 Ўзинг айт, қандайин қилай?
 Бўйи чумолидан ҳам паст
 Ултонни кўрмасам нетай?
 Нафасидан боғлар сўлиб,
 Кир ичлари кирга тўлиб,
 Баъзан бари бирга бўлиб
 Ўлдирса, ўлмаса, нетай?

Бунча мени боғладилар, қанд эканлар,
 Ширин жонга отилган каманд эканлар.
 Унутдилар десам йиғлаб фаслларки, йўқ,
 Мажнунга ишқдан дарс бериб банд эканлар.
 Мен-ку бир шам, томчи шабнам, улки муҳтарам,
 Улки хушхулқ, улки хуршид, хушқада эканлар.
 Гоҳи гумон тоғларида гулханлар ёқсам,
 Мен нодондин-да кулиб лабханд эканлар.
 Англаб етгач дилим обод, хотирим озод,
 Ул покиза палакларга пайванд эканлар.
 Ё Ҳаводак қўлларига шикорга чиқиб,
 Пари тутган Авазхондек хурсанд эканлар.
 Румода йўқ, Фарангда йўқ исмингга ўлай,
 Ул ҳазратим фарзанди Самарқанд эканлар.

Юрак, сенга нима ёмонлик қилдим?
Оташни севдирдинг, дилим куяди.
Дастингдан ўнгиму сўлим куяди.
Ўн гулим очилмай жим-жим куяди.
Гулга қўл узатсам, қўлим куяди.
Юрак, мен арпангни хом ўрибмидим?
Арпалар экилган чўлим куяди.
Чучмома тўкилган йўлим куяди.
Кўз ёшлар тўкилган кўлим куяди.
Товоним тилимда-тилим куяди.
Юрак, мен отангни ўлдирибмидим?
Бир сўзлар сўзлатдинг, тилим куяди.
Кўприк ясай десам, қилим куяди.
Ёмғирим куяди, дўлим куяди.
Мен уни чорладим охир-оқибат,
Менга яқинлашса ўлим куяди.

* * *

То сизга еткунга билсам-да хасларга салом бериб ўтдим.
Ўзни мажбур қилсам-да, пастларга салом бериб ўтдим.
Яратган сизга етказди, хасу паст салом берди, алик олдим,
Ҳамонки таъзимдаман, камтару кўнгли оқ,
Кўзида ҳавасларга салом бериб ўтдим.

У ўлди – бевафо,
 Мен севги ҳаққига тўкиб бўлдим ёш.
 Бу ғамгин шамларни ўчирма, шамол,
 Мабодо мен йўқда келиб урса бош,
 Йўқ, асло кечирма, кечирма, шамол!

МУНАВВАРА УСМОНОВАГА

Ким покдан-пок яралмишдир,
Поки муқаррарлик топгай.
Ботини гул, зоҳири гул,
Атру муаттарлик топгай.
Ким ошиқлар суҳбатида
Уйғонур бедорлик топгай.
Ким фосиқлар суҳбатида,
Ғафлату ғаддорлик топгай.
Чин шоирлар шеърни ҳатто
Қилдан топгай, найдан топгай.
Қалдирғочга савол бериб:
«Бундай элни қайдан топгай?»
Ким меҳри элга сазовор,
Онча сазоворлик топгай.
Ким шоирга: «Кел, дўст», – деса
Дўсти диловорлик топгай.
Бизнинг йўл сўзнинг йўлидир,
Яшнар, сабзаворлик топгай.
Адашиб келиб кетган кўп,
Борадир бозорлик топгай.
Ким кўзлар кўзга тушганда
Ажиб мададкорлик топгай.
Шафқат топгай, меҳр топгай,
Дилбару дилдорлик топгай.
Гоҳи дилим дийдор истар,
Дийдори анварлик топгай.
Мунавварани бир кўрсам,
Кўнглим мунавварлик топгай.

Сен деганда кўзимда нам,
Сен деганда бошгинам хам,
Эй меҳрибон, эй муҳтарам,
Унутмоқ касби одатму?
Сен келмассан, мен бормасман,
Рутубатда учган хасман,
Ўлсам ҳамки кел демасман,
Бу хорлик тож ила тахтму?
Ишқ оловми – ўчолмасим,
Оловда кўз очолмасим,
Эй олтиним, эй олмосим,
Бу оғриқ жонга роҳатму?
Ишқи йўқлар бордир, ишон,
Толиби май, масту мастон,
Эй паришон, лутфи эҳсон,
Севолмаслик ҳам санъатму?
Бўғзимда тош қотган сўзим,
Сен жим, мен жим, бу олам жим,
Эй анисим, эй азизим,
Бу жимлик буюк неъматму?
Кимга ёз, бизга аёзмۇ?
Бу турбадлар ҳали озму?
Эътирозим, эй эъзозим,
Бу фурқатлар фароғатму?
Нур сочиб турар ҳасратим,
Гул ёғиб юрар ҳайратим,
Эй иззатлим, эй ҳазратим,
Бу бахтсизлик бизга бахтму?

ҚУТЛИБЕКА РАҲИМБОЕВАГА

Қутлибекам, қутлуг бекам,
Эй сўзлари ўтлуг бекам.
Шу юрт учун фидо бўлса,
Умр қандай улуг, бекам.
Бўғзимга не тиқилади,
Шеърларингиз ўқиб турсам.
Оҳ, оҳ дея юрагимга
Нурдан кўйлак тўқиб берсам.
Қутлибекам, нурли бекам,
Сўз юртида сирли бекам.
Сизни ўқиб йиғлаб юрган
Синглингиз узрли, бекам.
Асли, дурли ижодингиз,
Дурлар билан безармисиз?
Мен олисдан қараб турсам,
Сиз ҳам дилдан сезармисиз?
Игна билан қудуқ қазиб,
Қонаб ётган қўлимиздир.
Ташналарга сув узатмоқ
Ниятимиз, йўлимиздир.
«Ҳорма!» «Бор бўл!» – деб қўямиз,
Нафас олиб оғир-оғир.
Чунки игна жуда кичик,
Чунки қудуқ жуда чуқур.
Йўллар мангу, йўллар олис,
Карвонлар қўнғироқ чалсин.

Биздан кейин келганларни
Шу қудуқлар кутиб олсин.
Баъзан йиллаб кўришмаймиз,
Қўлларимиз ишда ахир.
Чунки игна жуда кичик,
Чунки қудуқ жуда чуқур.
Сув йўқ жойга қушлар қўнмас,
Сув ичмаса гуллар сўлар.
Сув йўқ жойда йўл ёпилиб,
Сув йўқ жойда карвон ўлар.
Бизлар қудуқ қазиярмиз,
Умримизни қудуқ олсин.
Биздан кейин, ҳеч бўлмаса,
Битта, битта қудуқ қолсин.
Қутлибекам, қутлуғ бекам,
Эй сўзлари ўтлуғ бекам,
Шу юрт учун фидо бўлса,
Умр қандай улуғ, бекам.

ГУЛИСТОН МАТЁҚУБОВАГА

Ўзлари-ку гул, Гулистон,
Боғлар-ла бирлашган аёл.
Гул соясида ўтириб,
Дарё-ла сирлашган аёл.
Сув париларин чақириб,
Достонлар ўқиган аёл.
Оққушларга шеърларидан
Кўйлақлар тўқиган аёл.
Бердақ бобом сирларини
Кўнгли сулув, кўрка бермиш.
Бўзтўрғайлар боласини
Сизга шогирдликка бермиш.
Нукусга оқшомда бориб,
Эртаки деб қотиб турдим.
Тонгда Устюрт томон юриб,
Қимиз, қаймоқ татиб кўрдим.
Эгилдим Амударёга,
Манғитни гул, гулзор кўрдим.
Шуманайни, Кўнғиротни
Чиройда бетакрор кўрдим.
Сиз бунчалар меҳрибонсиз,
Истараси иссиқларим.
Жонгинамга малҳамларим,
Ялпизларим, исриқларим.
Гулистону гул фаслида
Гунча очгай, гулга киргай.

Айтарларки, уни кўрса
 Сув парилар тилга киргай.
 Қорақалпоқ ўланларин
 Айтсак, осмон яқин бўлди.
 Аёз қалъа, Эллик қалъа
 Бахши бўлди, оқин бўлди.
 Яна дерлар, Гулистон ҳар кун
 Дарё томон бориб қайтар.
 Гоҳ у дарёга шеър айтар,
 Гоҳ дарё унга шеър айтар.

ОЙДИННИСОГА

Қирмизи гулларни ушлаб,
Қирмизи олмалар тишлаб,
Бир шеър билан юзни хушлаб,
Ой жамолим бор менинг.
Елкасида офтоб кўрган,
Тушида ҳам китоб кўрган,
Юлдузни бенарвон урган
Гул ниҳолим бор менинг.
Ҳали-бери иши битмас,
Ҳеч кимни аржуманд этмас,
Ҳар кимнинг ҳам қўли етмас,
Баланд баҳолим бор менинг.
Сўзларига асир этган,
Юракларга таъсир этган,
Душманларин ҳам эритган
Ширин забоним бор менинг.
Кўнглига қаттиқ тегманг,
Авлиё жойларнинг қизи.
Пирнинг нафаслари теккан,
Кишмиш узумнинг майизи.
Рухсори ойга тенглим бор,
Ипакка жойли кўнглим бор.
Нигоҳи чақмоқ синглим бор,
Не хаёлим бор менинг?

САДОҚАТНИНГ СУРАТИ

Мен садоқат суратини кўрганман
 Бобомнинг ўқ тешиб ўтган кифтида,
 Момомнинг ёш бўлиб оққан сўзида,
 Уйнинг тишланган нон қолган шифтида,
 Йўлнинг қўлтиқтаёқ ўтган изида.

Мен садоқат суратини кўрганман,
 Нури хола уни яшайди асраб,
 Тумор қилиб сўнгги хат сифатида
 Шукур ота уни яшайди силаб
 Фашист ити ғажиган кўкси қатида.

Мен садоқат суратини кўрганман
 Онамнинг қуртларга барг бутайин деб
 Тунни тонггача тешган киприкларида,
 Нор тоғамнинг пахтазорга тез етайин деб
 Трактор-ла чўкиб кетган кўприкларида.

Мен садоқат суратини кўрганман,
 Мен уни кўрганман Ўзбекистоннинг
 Баҳорлар сиғинган тоза юзида,
 Ҳайрат бўлиб тутган рўйи жаҳонни
 «Оқ олтиним» деган ўзбек сўзида
 Мен садоқат суратини кўрганман.

ГАВҲАР ИБОДУЛЛАЕВАГА

Гавҳар, сизни соғинсам,
Ич-ичимдан ўт ёнур.
Соғинч кесган дарахтлар
Тинмай, кетма-кет ёнур.
Сиз гўзал қалъаларнинг
Ичин ё ташиндасиз.
Гуллар билан ўралган
Йўлларнинг бошиндасиз.
Ёши уллилар юрти,
Соф ақллилар юрти,
Гужумлар соясинда,
Ариқлар рошиндасиз.
Сиз ёзган сатрлардан
Ёшлар маъно терурлар.
«Орландо»ларни минган
Беклар салом берарлар.
Бирда Хивадан топдим,
Бирда топдим Шовотдан.
Бирда Хонқадан топдим,
Бирда топдим Боғотдан.
Эҳ, шу қизга мазза-да,
Атроф хону хонзода.
Фаришталар ўтганму?
Урганч гулу гулзода.
Дафтарларни тўлдирар,
Осон ёзар шеърларни.

Бўлмас ишни бўлдиарар
 Тўкмай қаро терларни.
 Бобоси Хоразмий,
 Дунё аҳли чўккан тиз.
 Бир бобоси Огахий,
 Бир бобоси хон Феруз.
 Гавҳаржонга мазза-да,
 Атроф хону хонзода.
 Полвон пирнинг авлоди,
 Улли пирдан андоза.
 Хоразмда ойлар ҳам
 Шеърлар ўқиб ботади.
 Хоразмда тонглар ҳам
 Шеърлар ёзиб отади.

ЭШМАТ АКА, ТОШМАТ АКАЛАР

Осмонларда юрардим унда,
Ўн саккизда эдим, чамаси.
Французга тегаман дердим,
Эшмат киму Тошмат нимаси?
Тергар эди бувим ҳар куни,
Қулоғимни қўйиб қоматга,
Тенгинг чиқса, текин бераман
Ё Эшматга, ёки Тошматга.
Йиғлар эдим, кўзим ўнгида
Олис юртга элтувчи кема,
Хаёлимда Париж, Нью-Йорк,
Эшмат киму Тошмати нима?
Устун чиқиб бувим дуоси,
Насиб этмай хорижлик бекка,
Пешонамга ёзилган экан
Узатиши мени ўзбекка.
Бахтли бўлиб маликалардек,
Гоҳо эрим бўлганда кўпол
Хаёлимга келарди бот-бот
Олис Париж ҳақида хаёл.
Бир кун, қаранг, иш юзасидан
Хориж томон боражак бўлдим.
Хаёлдаги ўша юртларни
Бира тўла кўражак бўлдим.
Бордим, Париж ростдан чиройли,
Аёллари эркаю сулув,

Эркаги-чи, тунмас, ёп-ёруг,
Кунда кўрсанг, тутади кўрқув.
Лифтга чиқсанг, йўл бериш қайда,
Эсида йўқ лутф, марҳаматлар,
Эсиз дедим, йўл берар эди
Ўзимизнинг Эшмат, Тошматлар.
Шорти деган шарманда кийим
Юнгдор, хунук оёқларида.
Сочларининг ярмин олдириб,
Зирак таққан қулоқларига.
Бошин урмай умрида бир бор
Муҳаббатнинг кошонасига,
Пул бўлса, бас, уйланар экан
Момосининг дугонасига.
Қўлда юкинг, ҳаллосласанг ҳам,
Текин элтмас бирорта кимса.
Дедим: қани ўша очиққўл
Ёки Тошмат, ё Эшмат бўлса.
Осмонларда юрардим бирдан,
Замин томон тушди йўлкалар.
Илк тан бердим, ҳаммадан яхши
Эшмат ака, Тошмат акалар.
Суянганда тоғдек елкалар
Гоҳ аразчи, гоҳи эркалар.
Лек биламиз, ҳаммадан яхши
Эшмат ака, Тошмат акалар.
Муҳаббатли, очиқ, шарткесар,
Ҳар балодан асрар елкалар.
Бахтимизга, омон бўлсинлар
Эшмат ака, Тошмат акалар.

ҲАЁТХОН ОРИҚБОЕВАГА

Жаннатдан чиққан дарё –
Сирдарёнинг бўйидан,
Олмаларни оқизиб
Ариқ ўтар уйидан,
Атру ҳаво таратиб
Юришидан, бўйидан,
Ҳаётхоним келадилар, Ҳаётхоним.
Гулистондай шаҳри бор,
Боёвутдай даҳри бор.
Ховос, Янгиерларда
Меҳр отлиқ наҳри бор.
Сардобаю Оқ олтин
Одамга жондай яқин.
Ҳаётхоним келадилар, Ҳаётхоним.
Ҳовлисига лайлаklar
Уя қурганин кўрдим.
Турналар пастлаб учиб
Меҳр терганин кўрдим.
Бахтидан рози кўрдим,
Элда эъзозли кўрдим.
Ҳаётхоним келадилар, Ҳаётхоним.
Сирдарёнинг бўйини
Баҳорда жаннат дебон,
Меҳнат қилади мардлар,
Отанга раҳмат дебон,

Индамай севар беклар:
 «Ана муҳаббат», – дебон.
 Ҳаётхоним келадилар, Ҳаётхоним.
 Орази офтобли опам,
 Кўзи сурмали опам,
 Қоши ўсмали опам,
 Бели тасмали опам.
 Асли-насли олию
 Насаби олий опам.
 Ҳаётхоним келадилар, Ҳаётхоним.

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон халқ шоири

Зулфияхонимнинг 100 йиллик тўйига

Олчалар гуллади, гуллади боғлар,
Тошлар-да гуллади, гуллади тоғлар,
Қутловлар юборар яшил япроқлар,
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Ҳар баҳор сиздан сўз ва шеър сўрайди,
Ялпизлар қарзга атир сўрайди,
Тоғлар сабрингиздан сабр сўрайди,
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Дўрмонда чинорлар тўй-тўй демишлар,
Булоқлар тўйга деб сочар кумушлар,
Тўйхатлар тарқатиб учар оқ қушлар,
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Бу тўй шеъриятнинг, сўзнинг байрами,
Тошлардан йўл очган изнинг байрами,
Баҳорнинг ҳам олтин кузнинг байрами,
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Сиз туғилган фасл баҳор бўларму?
Шеър фасли ҳам фасли ашъор бўларму?
Юз йил, юз асрлар гул ёр бўларму?
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Сиз ўйчан турибсиз, бу чоғ на гўзал,
Ҳайкалингиз гўзал, гул боғ на гўзал,
Сизга ҳурмат гўзал, ардоғ на гўзал,
Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
Сиз олий тарбия, умри-да олий,

Соғинчи-да олий, сабри-да олий,
 Васли-да олийсиз, ҳажри-да олий,
 Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
 Элнинг шодиёнаси, бутун эл келар,
 Орифлар, фозиллар, аҳли дил келар,
 Дунё шоирлари кўлда гул келар,
 Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.
 Олис-олислардан чорладик меҳмон,
 Тошкентда туташар йўллар қадрдон,
 Бу тўйнинг эгаси – жон Ўзбекистон,
 Тўйлар муборак бўлсин, Зулфияхоним.

ҚОМУСИМИЗ, ҚАНОТИМИЗСАН

Биз учамиз орзулар томон,
Қомусимиз, қанотимизсан.
Келтирамиз юртга шараф-шон,
Бахтга тўла ҳаётимизсан.

Шодиёналар, зафарлар аро
Ўзбекистон номини айтдик.
Соғинч қийнар сафарлар аро,
Қайга бормай, бағрингга қайтдик.

Ватанига олқиш келтирар
Ўғлонларнинг чўнг бардошлари.
Оламдаги энг қимматли дур –
Оналарнинг севинч ёшлари.

Азиз меҳринг фарзандларингни
Юксакларга чорлайди, Ватан.
Жаҳоннинг шоҳсупаларида
Мадҳимиз янграйди, Ватан.

Саодатнинг нур сўзлари ёр
Қомусимиз варақларига.
Бахтимизнинг илдиzlари бор
Қомусимиз сабоқларида.

Кўнглим кўнгли гулга пайванд бўлибдир,
Таъбим фасли гулга пайванд бўлибдир.
Мен қайдан билибман, сени кўргандан
Кўзим ашки селга пайванд бўлибдир.
Мен қайдан билибман, севги бешафқат,
Сабзаворим чўлга пайванд бўлибдир.
Дедилар, ишқ йўли борса хатарли,
Борса келмас йўлга пайванд бўлибдир.
Мен дедим, кўзимдан оққан дарёлар
Ошиқ деган элга пайванд бўлибдир.
Дедилар, ишқ боғин олмаларин еб
Маликалар қулга пайванд бўлибдир.
Мен дедим, саройлар, тахти равонлар
Ишқ йўлида қулга пайванд бўлибдир.
Фақат ишқ, фақат ишқ чамани мангу,
Қолганлари елга пайванд бўлибдир.
Дедилар, саҳрода ошиқлар боғи,
Тошлар гапириб тилга пайванд бўлибдир.
Бу боғда Лайлининг кўз ёшин ялаб
Кийикчалар қўлга пайванд бўлибдир.
Дашти Карбалого оқмиш дарёлар,
Магарким дил дилга пайванд бўлибдир.
Дунёнинг энг нурли йўли, ишқ йўли
Ажал келмас йўлга пайванд бўлибди.

БАҲОР ХАБАРИМ БОР

Менинг не ишим бор беҳабар билан?
Баҳор хабарим бор, гул хабарим бор.
Бир қўшним Лайлидир, бир қўшним Ширин,
Юракка борувчи йўл хабарим бор.
Бағритош, тошларинг бошимга тегмас,
Тошларни қайтарар Муқбил хабарим бор.
Гулистон авлодман, нурдан бунёдман,
Гулзодлар наслига сингил хабарим бор.
Менинг не ишим бор беҳабар билан?
Парилар юртидан дил хабарим бор.
Бир қўшним Зухродир, бир қўшним Узро,
Муҳаббат боғига кел, хабарим бор.
Оловда ёнмасман, сувда чўкмасман,
Қақнус хабарим бор, булбул хабарим бор.
Қачон тарк этасан зимистонингни,
Ғаним, зулматингдан кечгил, хабарим бор.
Менинг не ишим бор шумҳабар билан?
Шодлик хабарим бор, шоддил хабарим бор.
Бир қўшним Зухалдир, бири Зулайҳо,
Юсуф хабарим бор, Бедил хабарим бор.
Оламнинг гуллари қалбимга кўчмиш,
Фасли ишқ сайлида сумбул хабарим бор.
Бахтим, шу гулларни дилларга элтиш.
Оқилу оруфу одил хабарим бор.
Менинг не ишим бор беҳабар билан?

Минг шукрлар, ўзбекман,

Беклар орасидаман.

Юраги кенг, бошлари

Тиклар орасидаман.

Алвон-алвон очилган

Гуллар орасидаман.

Бир-бирини қўллаган

Қўллар орасидаман.

Минг шукрлар, ўзбекман,

Боғлар орасидаман.

Икки дарё, жаннати

Тоғлар орасидаман.

Минг шукрлар, султонлар,

Шонлар орасидаман.

Тупроғин кўзга суртган

Хонлар орасидаман.

Донолик суяк сурган

Дурлар орасидаман.

Авлодларим авлиё,

Пирлар орасидаман.

Минг шукрлар, ғазалу

Шеърлар орасидаман.

Мустақилман абадий,

Нурлар орасидаман.

КЎЗЛАРИНГНИ СОҒИНГАНМАН

Аллоҳнинг нурли кечаси,
Ёнур, ўтланур нечаси,
Араз наси, гумон наси?
Кўзларингни соғинганман.
Кўзинг дилимда не ёқди?
Соғинч ёқди, ситам ёқди,
Кўзимдан дарёлар оқди,
Кўзларингни соғинганман.
Қаердасан, илоҳий нур?
Ё бахтли қил, ёки ўлдир,
Кўзларингни кўрсайдим бир,
Кўзларингни соғинганман.
Қушман оловдан айланган,
Гулман аждарга чайналган,
Жоним кўзингга жойланган,
Кўзларингни соғинганман.
Йироқман, вале сандаман,
Тумандаман, сумандаман,
Зулфия Мўмин бандаман,
Кўзларингни соғинганман.

БОҒ АРО

Боғ аро ширин саболар,
Саболар аро наволар,
Дилга берувчи даволар
Гулмикин, ёриммикин?
Тошларда гуллар ундирган,
Хижрон азобиға кўндирган,
Юракда музларни синдирган
Гулмикин, ёриммикин?
Юракни учишга чоғлаган,
Шому саҳар сўроғлаган,
Мени боғларга боғлаган
Гулмикин, ёриммикин?
Исмини шеърларга жойлаган,
Шамшири жонимни пойлаган,
Ўзни хон, бизни қул сайлаган
Гулмикин, ёриммикин?
Зулфияга азиз дўстсан,
Қайғу туманин тўсган,
Жонимнинг ичида ўсган
Гулмикин, ёриммикин?

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА

Излар пахтазорга чорлайди мени,
Изларга тўкилар соғинч ёшларим.
Унутиб-унутмай мени, дунёни,
Менсиз пахта терар қишлоқдошларим.
Қарайман, ҳали ҳам бобом Ҳайдарбой
Самовар қайнатар тутунни пуфлаб.
Теримга энг аввал чиққан, ҳойнаҳой,
Орден – хотиротни сандиққа қулфлаб.
Томиримда қонмас, хаяжон гўё,
Ҳайрат кўкрагимда уриб турибди.
Ҳеч бир иккиланмай Мирвали бобо
Бир қўл билан пахта териб юрибди,
Кулиб дейди: «Энам эгатда туққан,
Бутун қишлоқ бўлган гирдикапалак.
Кимдир кўйлагини йиртгану тутган,
Кимдир аравага чопган жонҳалак».
Ана, Гулой момо эгат бошида,
Уруш фарзандидан айирди – тақдир.
Айтиб бўлмас дардин тишлаб тишида
Катта уй ичида кичрайди кампир.
Бу чанг кўчалардан пастак уйларга
Қорахатлар келган, келмаган қочоқ.
Пахтасидек оппоқ бегард уйларда
Йўлидан адашмай яшайди қишлоқ.
Бунда йигит кулса гулдираб, қайнаб,
Кимдир қизаради тинглаб кулгусин.

Бу дала йўлидан келинлар қатнаб,
Эмизиб келади қишлоқ келгусин.
Ҳамон пахта терар қизлар ойжамол,
Лабларида қирмиз ҳаяжон асраб.
Эгасин кутади энтикиб рўмол,
Кимдир қўйиб кетган мактубни ўраб.
Излар пахтазорга чорлайди мени,
Изларга тўкилар соғинч ёшларим.

1987 йил

Менинг қўлларим калта,
 Жуда калта.
 Киприкчалик бўлолмас улар.
 Сенинг киприкларингга тегиб турган
 Бир жувоннинг кипригича келолмас улар.

Доктор, сиз олгонган энгизу даамини
Кучида шу энгизу даамини.
Мен сизин шундай бахт билим кутлайман,
Бу сизин бахт билим кутлайман.
Шондан энгизу даамини.

МАЙСА

У ҳеч кимдан баланд тутмади ўзин,
Чопмади ҳар ёнга ненидир сўраб.
Бир кун кичик томчи беади кўксин,
Багрига энг юсак куёшни ўраб.

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙМАН!

Кечиринг, бу гал ҳам бора олмадим,
Имконим қорларга бота бошлайди.
Аввал эрта дедим, сўнг индин дедим,
Бир кун соғинч менинг кўзим ёшлайди.
Кечиринг, бормадим холингиз сўраб,
Аёз қашқир каби ташланган онлар
Кўзини севинчдек чопонга ўраб
Қўралар ёнида чопган чўпонлар,
Мен сизни Янги йил билан қутлайман!
Соат ўн иккига яқинлашмоқда.
Далаларда эса шудгор маҳали,
Ака, тракторинг тўхтатиб чопдинг.
Чопдинг, хаёлингда Янги йил, ўглинг.
Чопдинг, коржомангда совқотган қиров,
Сен улгурар эдинг, улгурар эдинг,
Аммо ярим йўлда бузилди улов.
Курашларда ерга тегмаган елкам –
Қоратов даштида куйманган акам,
Мен сизни Янги йил билан қутлайман.
«Доктор, шу боламни қутқаринг, доктор».
Кулоқда онанинг мунг ноласию
Гиппократ қасами акс садо берган,
Юракнинг энг кучли зарбаси ила
Ўлимнинг эшиги ёпиб ташланди.
Деразадан боқингиз, атроф оппоқ қор,
Доктор, сиз қутқарган ўша боланинг
Кўзи каби маъсум Янги йил кирди,

Доктор, сиз соғинган дашту даланинг
Кучоғида шу чоғ Янги йил кирди.
Мен сизни шундай бахт билан қутлайман,
Бу ерлардан баҳор шошиб ўтибди.
Шошган ниманидир сезиб юраги,
Эсидан чиқибми, қолиб кетибди
Арчада баҳорнинг битта кўйлаги,
Инларини ташлаб кетибди қушлар,
Қулфламай кетибди, ўғри тегмасин,
Арча йил олдида кўрганда тушлар
Яшил қувончини қайғу эгмасин.
Ўқлар орасида бир таниш фарёд;
Боласин кўтариб чопарди аёл.
Лаблари пичирлар: «Қандай қиламан?!»
Бу аёл дунёдир, кўлидаги у
Боласининг оти Тинчлик, биладан.
Мен бош кўтараман,
Сен бош кўтарасан,
Бу аёл томонга ўтолмас жаллод.
Тинчлик-ла қон йиғлаб топишган дунё,
Тинчликни болам деб ёпишган дунё,
Мен сени Янги йил билан қутлайман!

Гоҳ тунлар уйғониб йиғлайсан сен ҳам
Кимдандир яшириб кўз ёшларингни.
Тўпламоқ бўласан, титиб ташлар ғам
Соғинч сўйиб кетган бардошларингни.
Минг мағрур бўлсанг ҳам, шу пайт кимдандир
Далдалар кутасан, меҳр кутасан.
Йиртган шеърларингни куйдириб бир-бир,
Сўнг кўзда ёш билан чиқиб кетасан.
Хазон кўрпасида кунини санаб
Васият қилмоқда куз ниманидир.
Ўзининг тилида пичирлатар лаб,
Сим-дорга гуноҳсиз осилган ёмғир.
Дарахтга суяниб туриб қоласан,
Сочингга боғланиб тўхтади шамол.
Сен тонгни шу ҳолда кутиб оласан,
Кипригингга ортиб тунни бемалол.
Фақат вужудингни ёқиб беаёв,
Қўлингни куйдириб ушбу куз кези
Югурар, айланар, кўтариб олов,
Сенга видо айтган лабларинг изи...

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ
УСМОН АЗИМГА

141

Айла гул беринг

Оғирлашиб борса ҳам дард, азобингиз
Хазонпараст кузнинг йўлчаларида,
Сиз шодсиз, барибир, изтиробингиз
Эрийди ўғлингиз қўлчаларида.
Энтикиб кирасиз: «Келдим, болажон»,
Тугайди ҳар қандай изтироб тўйи.
Қиқирлаганча сизга осилар шодон
Боладек беғубор Ватаннинг бўйи.
Чарчоқни пальтода илиб қўярсиз,
Фаслнинг кузлиги бўлади унут.
Сукутни бўғзидан олиб суясиз,
Етиб боролмайди тонггача сукут.
Ярим тун шитирлаб хазон ёнади,
Яшил сатрларда шовуллайди боғ.
Сўнг сизга урилиб тонг уйғонади,
Тўртинчи қаватда ўсаётган тоғ.

* * *

Менга кўп тошларинг отмагил, ағёр,
Қилни туя дебон сотмагил, ағёр,
Ғийбатнинг қўйнида ётмагил, ағёр,
Бу дунё сендан ҳам, мenden ҳам қолар.

Севгилим, севмадинг, нени кўзладинг?
Мендан яхшисини бунча изладинг.
Ўт ёқдим сочимдан тирноғимгача,
Музладинг, музладинг, музладинг.

Дўсти хиёнаткор, сени кечирдим,
Ишончга музларнинг жонин ичирдим,
Дардимга дардларнинг қонин ичирдим,
Бу дунё сендан ҳам, мenden ҳам қолар.

Хижрон бағритош ҳам менга меҳмондир,
Кўзимдаги ёш ҳам менга меҳмондир,
Бошимдаги тош ҳам менга меҳмондир,
Бу дунё сендан ҳам, мenden ҳам қолар.

* * *

У сени эшикда кутиб олади,
Синиқ бир табассум қиласан сен.
Нимадир сўрайди, гапга солади,
Бош силтаб қўясан, эшитмасанг ҳам.

Кечириб яшайсан унинг гуноҳин,
Дейсан, ёпиқ қолсин ёпиғлиқ қозон.
Тунлар титраб-титраб етганда оҳинг
Юлдузлар фалакда ҳовучлайди жон.

Инсоф келар дейсан, қийналган жонни
Бекитар шу уйинг, шу тўртта девор.
Худди сенинг каби ўша қозонни
Оламдан бекитиб турар тўрт девор.

Сачраб уйғонасан охири бир тун,
Қарайсан, эгри из, хиёнат ўтган
Ва аниқ кўрасан бегувоҳ, беун,
Сен кечирган гуноҳ болалаб кетган.

БОЛАЛИК

Онам эрта вафот этдилар,
Синиб тушди қалбимдан боғлар.
Ярим кўнглим тўлмади, гарчи
Елкасида кўтарди тоғлар.
Эгик қаддин ростлай олмади
Узумзорим – бобожонгинам.
Яшин ургач кўкламай кетди
Оқ тутгинам – моможонгинам.
Кўй боққани чиқсам далага,
Қамишзорлар най чалиб берди.
Кўклам худди Ҳамдам тоғамдек
Қоялардан гул олиб берди.
Ҳар жумада бозор хуржунда
Кунжут ҳолва жўнатди Қўргон.
Холам каби кумуш сувларда
Сочларимни ювди Зарафшон.
Косасида шарбат ичирди,
Тарвуз кийиб беқасам тўнлар.
Ёзда ҳам жун рўмолин ечмас
Шафтолилар – дўмбоқ келинлар.
Саратонда сувдан чиқмасдик,
Бизга нима дунёвий ишлар?
Чўмиларди оқ кўйлак билан
Оқ каптарлар, уятчанг қушлар.
Нарпайимнинг майин шамоли
Артар эди кўздан ёшларим.
Ўн йил мени аяди бир тўп
Мусичалар – синфдошларим.

«Мен уни боплайман мана шу кундан»,
 Бу гап чиқаётган мисингдан чиқди.
 Аёлни чалишни ўйлаган кундан
 Эркак эканлигинг эсингдан чиқди.
 Ҳар кеча соғинчу шеър осмонидан
 Дилимга ёққани ёмғирдир, қордир.
 Қўшиқ айтиб ўтдинг уйим ёнидан,
 Ғийбат тунларида овинг барордир.
 Қаршимдан қизариб, кўкариб ўтдинг,
 Куйдим, кулгуларим йўқолди, йитди.
 Яна яқин келиб йўталиб ўтдинг,
 Кўриб яраларим кўпайиб кетди.
 Қўй, чалғитма дедим, руҳим – бир солма,
 Унда энг осуда кез юриб келар.
 Қўйнида яшириб мен учун олма
 Хазон шиппагида куз юриб келар.
 Сен-чи, из санадинг ҳижжа-ҳижжалаб,
 Бу йўлда биринчи кунги эмасман.
 Биламан, тош отиш учун мўлжаллаб
 Тузган рўйхатингда сўнгги эмасман.
 Бошимдан маломат тўкилар экан,
 Токайгача жимман, токай сабурман?
 Йўлларим тошингдан беркилар экан,
 Қайтариб отишга мен ҳам мажбурман.
 Мажбурман, эркак-ла олишавериб
 Эркакка айланиб боравераман.
 Сен эса аёл-ла олишавериб
 Аёлга айланиб бораверасан.

ХАЛҚ ОҶАНЛАРИ

Қирқ сочим қирқ сўроқдир,

Жавоб бер-а, оғажон.

Бу ярми шеър юракнинг

Ярми яра, оғажон.

Муҳаббат бир осмондир,

Умр чақмоқ, оғажон.

Биттагина дилимда

Мингта ямоқ, оғажон.

Тушларингга гул кирди,

Ўтлоқ кирди, оғажон.

Тушингга оҳу кирди,

Булоқ кирди, оғажон.

Биргина мен кирмадим,

Йўлим янтоқ, оғажон.

Киролмадим, ер қаттиқ,

Осмон узоқ, оғажон.

Бу йўл тигдир, яроқдир

Бошдан-оёқ, оғажон.

Изимга боқ, қон оққан

Товонга боқ, оғажон.

Бу дардларни, сирларни

Нима қилай, оғажон?

Тегирмондан соғ чиқса,

Қандай элай, оғажон?

Юраги тош оғажон,

Қалби қайроқ оғажон.

Мен сиримни кудуққа

Айтдим бироқ, оғажон.

Сирин олиб ўсмоқда

Қамиш, қиёқ, оғажон.

Оҳ, бу қамиш, қиёқлар

Беҳад сайроқ, оғажон...

ҚИШЛОВНИ КУТАЁТГАН БОБОМГА

Менинг нимами ҳам ёзасан дейсиз,
Кўрдим, кўраларнинг оғзи тўла қор,
Най чалдириб қўймас чўпонга қишлов,
Босқинчи аёзни тутаркан такрор,
Яккама-яккага курашар яйлов.
Тоғдами, қайдадир қиш қилич қайрар,
Совуқ нафасидан жунжикади эт.
Кўникиб кетганмиз дегандай қарар
Ғарам орасидан бўрибосар ит.
Чанг босган ҳисларни артиб қўяркан,
Мен шеърга, ҳаётга қайта бошлайман.
Махсимни торт дейсиз, тортиб қўяркан,
Янги ёзганими айта бошлайман.
Дейсиз, ҳар кимга ҳам ўқийверма шеър,
Дардсиз давралардан шеър қизғона бил.
Мен ерга боқаман, онагинам ер,
Шеърни сева билган шу чўпон ҳаққи,
Шу оқ қор, шу ўтов,
Шу бир чимдим туз,
Хуржундан кўриниб турган нон ҳаққи,
Олов бер, қалов бер, мени шоир қил.
Менинг нимами ҳам ёзасан дейсиз.
Ғийбат томонларга сўзи тушмаган,
Қўшиқ айтмаса ҳам, товушингиз шеър.
Хиёнат томонга изи тушмаган,
Пойгакда жим турган ковушингиз шеър.
Ёғаётган қорга ўйчан боққанча
Ташвишларга тунлар кийдириб суйиб,
Кўралар ёнида гулхан ёққанча,
Жаҳон бозорини қайнатиб қўйиб,
Менинг нимами ҳам ёзасан дейсиз.

* * *

Кўпдан сени соғинмай қўйдим,
Кўз ёш тўкмай, сиғинмай қўйдим,
Пардек тўзгиб, йиғинмай қўйдим,
Ота, мени бу йўлдан қайтар.

Дардсизларга дардимни айтдим,
Сотқинларга сир бериб қайтдим,
Келмай туриб енгилмоқ пайтим,
Дўстим, мени бу йўлдан қайтар.

Кирлар етмас тепа бўлай мен,
Сир очилмас қапа бўлай мен,
Сенга лойиқ опа бўлай мен,
Синглим, мени бу йўлдан қайтар.

Сендан айру бунча адашдим,
Сароб сари югурдим, шошдим,
Оёқости бўлмасдан шаштим,
Даштим, мени бу йўлдан қайтар.

Вужудимни ўтларга қордим,
Гадой топмас жойларга бордим,
Бевафога бунча ёлвордим,
Аллоҳ, мени бу йўлдан қайтар.

* * *

Ҳеч ким кузатишга чиқмади мени,
Улкан аэропортда ёлғиз бир ўзим.
Жомадан кўтариб совуқ куз куни,
Ёлвордим фош этма кўз ёшим, кўзим.

«Сенсиз яшолмайман, аҳволим хароб,
Кетсанг ўлдириб кет», – деб айтган кимдир.
Эҳтимол, ушбу тоб ичганча шароб
Ўзгага шу куйни куйлаётгандир.

Учишга ўн минут. Титрама, таним.
Рухим боғларида ким ўқ отмоқда?
Биламан, шу маҳал бир ишонганим
Бурқсиган даврада мени сотмоқда.

Ажралиш тош отган аэропортда,
Кўнглим синиқларни термоқчидайин.
Негадир сўнгги бор қарадим ортга
Келмаган одамни кўрмоқчидайин.

Сўнг учдим тақдирнинг баланд-пастидан,
Жону жигаримни тиглаб учдим мен.
Ҳиёнат ўқ отган уйинг устидан
Ярадор қушчадек йиглаб учдим мен.

* * *

Тўққиз ойу тўққиз кун ўтиб
Фарзанд кўрдим, сизга ўхшар у.
Шунда сизни қон бўлиб кутдим,
Ерда ётган нон бўлиб кутдим.
Аммо сизни қарғганим йўқ.
Билар эдим, чиллалик аёл
Қарғишлари ўлдиради – ўқ.
Болам бир кун оёққа турди
Ва эшикка бошини қўйиб
Сизни кутди.
Маъюс, муштоқ бўлиб кутди у,
Нони увоқ бўлиб кутди у,
Қарғамоқ-чун оғиз жуфтласа,
Бармоқчасин ўпиб ёлвордим,
Оёқчасин ўпиб ёлвордим.
Аммо сизни қарғатганим йўқ.
Билар эдим, бегуноҳ гўдак
Қарғишлари ўлдиради – ўқ.
Сўнг қарғишдан қаро тунларда
Гўдагимни кўксимга босиб,
Зор қақшадим қодир худога:
Қарғамагин уни, худойим,
Қарғамагин ўшани, худо.
Худо менга қулоқ солмайди,
Сизни худо қарғайди, оғам.

Кўз ёшларим – оққуш, уларни
Олисларга қилганман сургун.
Сен улардан қолган патларни
Чайқов қилиб кун кўриб юргин.
Ҳа, майлига, сотгин, сотавер,
Сен сотқинлик комига ботдинг.
Айтгин, ғийбат бозорларида
Кўз ёшимни неча пул сотдинг?!
Кўз ёшимнинг шўри билинар
Ғийбатчининг шўрваларидан.
У чакиллаб томиб юради
Чўнтагидан, тўрваларидан.
Сендан олган кўз ёшларга у
Ҳар кун ювар кир кўйлақларин.
Нами билан артиб чиқади
Изларинг бор тор йўлақларин.
Бу оқшом ҳам аслига қайтиб
У хиёнат дастини тутди.
Кир сувларин тўкиб йўлингга
Шошиб-шошиб келишинг кутди.
Навбатдаги қурбони сенсан,
Ишончларинг – қолқон, кўрмайсан.
Ўзинг сотган кўз ёшга тойиб
Йиқиласан, қайтиб турмайсан.

Сен ўзингдан кетдинг,
 Сўнгра ўзинг ҳам
 Ёнимда ўтириб ўзингни кутдинг.
 Кутдик, кутавериб ўриндан турдик,
 Ахтариб саргардон кетдик охири.
 Адашдик ахтариш саҳроларида,
 Иккимиз икки ён кетдик охири.

Кўксимга санчган пичоғингни

Сутуриб олма!

У шундай зангласин, у шундай битсин

Ва шундай пичоқни кўксимда кўриб

Кўксимга отилган ўзга пичоқлар

Ортига бурилсин, ортига кетсин.

* * *

Мендан ажраш жуда ҳам осон,
Ҳеч ким билмас сири бор бунинг.
Мендан айру кетган бўласан
Тош йўлимдан нолиган кунинг.
Ахир сенга бошда айтганман,
Келганим йўқ теп-текис йўлдан.
Ҳамон кўрқиб эслайман, ўтган
Кўприкларим ҳаммаси қилдан.
Рўмолимга теккан қон доғи –
Туҳмат тошин қилган ҳунари.
Кўриб секин кетишинг мумкин
Бу ғамдийда аёлдан нари.
Айтаверсам, ёқа тутасан,
Бу кўз билан нелар кўрганман.
Тақдир синов қилган йўлларда
Аёл бошим билан юрганман.
Кўрқув чалса оёқларимдан,
Йиқилардим, йиқа олмасдим.
Агар бошим билан юрмасам
У йўллардан чиқа олмасдим.

Мени қарғамасин, айтинг, у аёл,
Мен сизни бутунлай ўшанга бердим.
Ёлғизлик тўнини кийдим аёзда,
Унга ичи иссиқ гўшанга бердим.
Истеҳзоли кулса, бахтсиз деб мени
Кесатиқ сачраса аччиқ тилидан,
Айтинг, бу бахтсизлик мардлик бўлади,
Бу мардлик келмагай ҳар ким қўлидан.
Унинг ҳамроҳидир куну тун кўзгу,
Кийинар, ечинар минг нозни имлаб.
Мен ишга бораман, қайтаман ҳар кун
Намли рўмолчамни маҳкам ғижимлаб.
Кимдир ёрдам бермоқ бўлар, қўймайман,
Кўмакка, шафқатга эмасман муҳтож.
Жуда енгил дейман, нолиб қўймайман,
Қўлда тўрхалтаю бошда бордек тож.
Беш йил бўлди, жимман, сиз ҳам жимдирсиз,
Биламиз қалбларнинг куйик эканин.
Ул бахтиёр аёл тушунар бир кун
Бу жимлик нақадар буюк эканин.

Менинг жоним биттадир,
 Унинг ўқи юздадир.
 Чап беришни билмадим,
 У отишга устадир.
 Менга берар азобин
 Рўйхати тахт, чизикдир.
 Ҳар кун битта ўқ отиш
 Унга жуда қизикдир.
 Қабоғидан тушса қор,
 Шохларимга ушлатдим.
 Томган ҳар бир захридан
 Дори олиб ишлатдим.
 Қор, бўронда бир қайсар
 Курилишни ўргандим.
 Отаверсин, мен ўқ еб
 Тирилишни ўргандим.

Бунчалик нафси оч, кўзи очсиз сиз?
 Мен ихлос тўнимни ечаман секин.
 Дарёни симириб, айблайсиз мени
 Бир ҳовуч сув олиб ичганим учун.
 Дарахтларни уриб қоқасиз боғда,
 Куз сиз ҳовлиқмани кулиб кузатар.
 Ёнимдан ўтаркан, барглар яширган
 Энг сўнгги олмани менга узатар.
 Очкўзсиз, беш қўлни бараварига
 Оғизга тиқасиз, мен-чи, айтарли
 Ҳеч нарса демайман, бир нима демоқ
 Беҳад хавфли эрур, беҳад хатарли.
 Мен тинчман, сизда ҳам оғиз биттадир,
 Атай оғзингизга гапни бурмайман.
 Беш панжа зарбидан йиртилса бир кун,
 Мен ўрнимдан туриб жавоб бермайман.

Мен кетаман.

Ўзингизга буюрсин бу боғ, бу ҳашам,
 Биллур идишларга боққаним сайин
 Ёдимга тушмоқда негадир отам,
 Термулиб қўймоқда у хафадайин,
 Ёдимга тушмоқда ел тегирмон ҳам,
 Азобларим янчиб айланмоқда жим.
 Дарвоза ғичирлар: унутдинг, бўтам,
 Дунё шу экан-да, доим бири кам.
 Унда боришимни кўп муштоқ кутиб
 Ҳеч кимга сўз демай жон берди анғиз.
 Бунда бегонадек ўзини тутиб,
 Олма узаётиб ол демади куз.
 У ёқда қаттиқроқ тегиб кетсам ҳам,
 Деворлар кечирар, дарча индамас.
 Бунда ҳар не нозик, серзарда бирам,
 Қўрқаман қаттиқроқ олгани нафас.
 Эҳтимол, сизчалик мени ҳеч бир зот
 Севолмас ростдан ҳам, унда нетаман?
 Нетаман?

Мен учун муҳими бумас,
 Муҳими – бу Ватан – отам тўккан тер,
 Ул буюк ситамга сингиб ўтаман.
 Уларсиз ҳеч қачон ёзолмайман шеър,
 Мени кечирасиз,
 Мен кетаман.

Оқшомлар юрагим сиқилган пайти
Манзар тутқичига суяниб оғир
Ўйлайман: қишлоққа подалар қайтди,
Товуқлар қўноққа қайтаётгандир.
Қўшни хотин эски девордан боқиб,
Овсини томонга узатиб сирин,
Қўлин белга қўйиб, қаттиқ тутақиб
Ёмонлар тепса ҳам тебранмас эрин.
Шафтоли тўкилар куз этагидан,
Олмалар қалқийди ариқ бетида.
Чўпонлар қайтишар ўз эртагидан,
Ҳорғинлик етолмай қолар кетида.
Шод яшар беланчак осилган толлар
Ўлан тушагида – ўлкаларида.
Дарвоза ёнида ўтирар чоллар,
Уруш жароҳати елкаларида.
Алдаб кун кўрмайди бировни биров,
Нарпай кўчасига сигмайди тухмат.
Жуда оддийгина саволу сўров,
Турналар ҳақида боради суҳбат.
Мен бир кун бораман кўзларимда нам
Ул оддий ва буюк саволлар томон.
Бораман эрини ёмонласа ҳам,
Хиёнат қилмаган аёллар томон.

Сени кутдим, бу тор йўлакка
Хазон тўлса, кутдим, қор тўлса, кутдим.
Гоҳо ҳамдard бўлиб ғамли юракка
Душман келса, кутдим, дўст келса, кутдим.
Кутдиму айтмадим кўз ёшни сотиб,
Менга бу дунёда бахт йўқлигини.
Мени қон йиғлатган кўксимга ботиб,
Тобутга элтувчи бир ўқлигини.
Лек билдим, бир куни журнал варақлаб
Сен ўқиб қоласан таниш исмни.
Берк қулфлар устингдан кулар шарақлаб,
Шамол олиб келар хазон исини.
Ўқийсан, саҳфада бир бахт бенасиб,
Оловга айланган, оловга қасддан.
Титрайсан журнални кўксингга босиб,
Умрингда бир марта йиғлайсан ростдан.
Кўрасан, сенга қўл чўзган баҳорни
Остонанг остида ўлаётганин.
Кўрасан ёнингда анов маккорни
Кимнидир туш куриб кулаётганин...

Чирқиллар эди вақт ортидан соат,
Йиғладим: бир нима гапир сўнг даъфа.
Сен на кўз ёш тўкдинг, на чекдинг фарёд,
Дединг, энди менга тўрт томон қибла.
Кетдинг. Кета туриб сўнг бор қарадинг,
Бу қараш мунгида синиб кетди сўз.
Пойингга чўзилди сезиб дил дардинг
Хазонлар бўтзида инграётган куз.
Кетдинг. Қаро тунда бош олиб кетдинг,
У борган манзилинг бунчалик олис
Ёки ёлғиз ўзинг самога етдинг,
Бунда мен заминда яшайман ёлғиз.
Ҳамон вақт ортидан чирқиллар соат,
Зулмат чангалида сўниб борар шам.
Мен ҳамон тирикман, пичирлаб оят,
Сенга кун тилайман, Энг Олис Одам.
Фақат ой уйимдан ўтганда ҳар тун
Ё қуёш оҳ чекиб чўккани дафъа
Олис садо келиб қилади тутқун,
Унда қақшаб дейсан, тўрт томон қибла.

Виждонинг кирлаган бўлса, чўлга бор,
 Яёв бор ва сўра Мўмин чўпонни.
 Сенга кўрсатишар шафқати бўйдор,
 Кечмиши саҳрода ўтган одамни.
 Кўплар уни Мўмин партизан дейди,
 Кимдир сен қидирган мергандир дейди,
 Ана у қазиган артизан дейди,
 Сурувда куйманиб юргандир дейди.
 Танишгин, кун қайтгач ўтовига кир,
 Бармоқларин ўпиб йиғлайди қўбиз.
 Ёди, дарди – дили сўровига кир,
 Ўзингни сезасан айёр ва ожиз.
 Тунда туш кўрар у, чақириб толар
 Бўри ғажиб кетган икки акасин.
 Кўрпа сурилибми, кўриниб қолар
 Саноксиз ўқ теккан озгин елкасин.
 Бир рост кечган умр нафасларида
 Ёлғоннинг ҳиди билинган маҳал,
 Бу содда нигоҳнинг қафасларига
 Ҳийланг тумшуғидан илинган маҳал
 Бир четга ўтириб йиғлай бошлайсан,
 Ювила бошлайди шунда виждонинг.

БОЛАЛАР УЙИНИНГ БОЛАСИГА

163

Аёлга гул беринг

Эшикка термулиб турган болажон,
Ақлдан озаман, бундай қарама.
Соғинчин яшинлар урган болажон,
Мендан шеър сўрама, қўшиқ сўрама.
Сен она сўзини оҳим деб ютдинг,
Дилингда жавобсиз саволлар йиғлар.
Ҳеч кимга билдирмай отангни кутдинг,
Сочингда бекиниб шамоллар йиғлар.
Синиқ нигоҳингда, синиқ кулгунгда
Умидга ўралган зорлар йиғлайди.
Айни саратонда, ярим кўнглингда
Бемаҳалда ёққан қорлар йиғлайди.
Сен уларни кутма, илинжларни от,
Юртинг, садоқатинг юртидир бу кез.
Тушларингга ғозлар сузиб кирсин шод,
Ёстиғингга олма қўйиб кетсин куз.
Тарих ортиб қўлтиқтаёқларига
Фақат у кўзингни ёшлаб кетмайди.
Ёпишмасанг ҳамки оёқларига,
Ватан, Ватан сени ташлаб кетмайди.

Кетдинг.

Қадам товушларинг ўқдек бехато,

Бориб тегди нишонига – юракка.

Кўксини чангаллаб бир етим дунё

Бош қўйди сен кетган совуқ йўлакка.

Секин деразадан боқиб илғайман,

Хазонларни титиб инграйди шамол.

Бошимни столга қўйиб йиғлайман,

Оёғи бўлса ҳам, кетмайди стол.

Шеър ёзиш – игна билан жонни қазишдир.
Бошдан-товонгача чопар бу игна,
Товондан-бошгача
Юракни азобга кўндириб чопар,
Кўкракни зардобга тўлдириб чопар.
Захрини болим дер, таъмидан тот дер,
Тунлари ханжарлар устида ёт дер.
Кўз ёш билан чиқмаган игна,
Фарёд билан чиқмаган игна,
Жоним билан чиқарсан бир кун.

* * *

Мен алдаб яшадим ўзимни ўзим,
Ўзимники дедим қарашларингни.
Ўзгани туш кўрса кўр бўлсин кўзим,
Ўзимга қаратдим қарғишларимни.
Энг гўзал баҳорлар кетди, қайтмади,
Кунларим шундайин ўтди жимгина.
Ёмғирлар йиғлади, дардин айтмади,
Адирлар туманни ютди жимгина.
Бир тонг юва туриб, оқармас, сездим
Ғуноҳ ғижимлаган кўйлакларингни
Ва ўша лаҳзадан беимкон кездим
Кўнглимнинг хазонлиғ йўлакларини.
Айбни ахтардим ёмғирдан, тундан,
Хатоларга ботиб келса ҳам изинг,
Билдим, била туриб кечирган кундан
Мен алдаб яшадим ўзимни ўзим.

* * *

Сен унга севаман деб айтолмайсан,
Деразанг олдида йиғларкан ёмғир.
Тўнингни киясан, тўнингни.
Тўнингда йилларнинг чангини артиб
Ўзинг ташлаб кетиб ва яна қайтиб,
Қайтсанг тақдирига шукрлар айтиб
Елкангга ташланган
Савол бор – мен бор.
Сен менга хиёнат қила олмайсан,
Шоҳи кўрпадаги нозу фироқни
Бир четга сурганча совуққон ва жим,
Пойгакка келасан,
Пойгакда қучоқлаб туфлиларингни
Изиллаб йиғлаган
Шамол бор –
Мен бор.



Асл ёринг бўлса-ю омон ёр-а, дўст ёр,
Ишқида бу дунёга келсанг-да, кетолмасанг.
Кундузи хун йиғласанг, тунлар қон-қон йиғласанг,
Севганингни кимсага ўлсанг-да айтолмасанг.
Мен сиғинган елкага титроқларсиз, севгисиз,
Бошин қўяр бир жувон, омон ёр-а, дўст ёр.
Сен туш кўрган ҳовлида муҳаббатсиз, севгисиз
Фарзанд кўрар бир жувон, омон ёр-а, дўст ёр.
Ёр ўзга ёр ёнида умр кўрар, кун кўрар,
Юлдуз урар бенарвон, омон ёр-а, дўст ёр.
Сен уни асл дединг, омон ёр-а, дўст ёр,
Асллиги дарғумон, омон ёр-а, дўст ёр.
Аслман деган билан, асл бўлмас ҳамма ҳам,
Асл ёр битта бўлур, омон ёр-а, дўст ёр.
Ёт дарёлар ёнидан имлаб-имлаб оқса,
Ичмагай, ўтда ўлур, омон ёр-а, дўст ёр.
Қояларда қон йиғлаб гулу чечак тебранар,
Тошлар қовуштирамагай, бўлак-бўлак тебранар.
Армондан ёпқич ёпиб, хижрондан сочқич сочиб,
Ёр-ёр, томирларингда бир беланчак тебранар.
Энди сенга отилса айрилиқнинг ўқлари,
Адашсин, хато қилсин, омон ёр-а, дўст ёр.
Тоҳирларни оқизган дарёлар сандиқлари
Асл ёр ато қилсин, омон ёр-а, дўст ёр.

* * *

Қоғозга, қаламга, соатга қараб
 Сен келиб кетасан бошингни эгиб.
 Минг хил савдоларни сочимдек тараб
 Мен келиб кетаман бошимни эгиб.
 Нега бошинг эгик, сўрай олмайман,
 Дардни сигаретдек чекдинг яшириб.
 Нега бошим эгик, сўрай олмайсан,
 Мен тез-тез йиғлайман сендан яшириб.
 Мен бир кун кетаман абадий бундан,
 Кетаман ҳасратли шеърларим билан,
 Кетаман бу ғамли тақдирдан, сендан
 Қоратов, Нарпайим, қирларим билан.
 Сўнг нотинч яшайсан, чораларингга
 Ечиб бўлмас жумбоқ, сўроқ тўкилар.
 Битиб улгурмаган яраларингга
 Хотирот тоmidан тупроқ тўкилар.
 Мен нотинч яшайман, кўнгил тўрига
 Ғозлар сузиб кирар хотир кўлидан.
 Олмалар пишади, юрак кўрида
 Ёзлар юриб келар дала йўлидан.
 Лек қайда бўлмайлик, туйғумиз битта,
 Кўзларга сургувчи қайғумиз битта –
 Пахта орқалаган Ўзбекистондир.

МИЛЛАТПАРАСТМАН

Кўзимга бир узун йўл кўринади,
Ҳаққим деб эзилган эл кўринади.
Энамов, не учун бу пахтазорда
Беклар кўринмайдир, қул кўринади?
Худойим, бу элнинг ёзиғи шуми,
Қотган нон, қайноқ сув, озиғи шуми?
Ҳали чимилдиқлар узилмай туриб
Келин тобут кучар тул кўринади.
Кўзимга бир узун йўл кўринади,
Пахта деб эзилган эл кўринади.
Шу юртнинг кўринган шоирларининг
Нечун кўз ёшлари сел кўринади?
Сен қумлар ичига кетма, Хоразм,
Кел, тузлар ичига кетма, Бухоро,
Самарқанд тунлари қабрларингда
Кимдир олтин излар бу кулфат аро,
Қўлда йўргак билан қарғайин уни,
Қотилингни кўрсат, Сариосиё.
Бир қилич қайралар томирларимда,
Мусулмонман деган ҳар жон қўлласин,
Мусулмон қўлида Қуръон қўлласин,
Фарғона, Қўқонда отилган гўдак,
Шаҳидлардан томган ҳар қон қўлласин.
Мен-ку, куйган бағри туйғу талошман,
Ўзбекка отилган ҳар тошга қасдман,
Ўзбегим демасам шу куни пастман,
Кимдир бориб сотсин шу сўзим учун,
Кимдир келиб отсин шу сўзим учун,
Мен мағрур айтаман: миллатпарастан.

НАРПАЙЛИК БАХШИ

Бу қордаги қонли из,
Боврим, сенинг изингма?
Мунг қоплаган ғамли кўз,
Жон-жигарим, кўзингма?
Мен дилни жўр қилишни
Ўксик кузга топширдим.
Номардни кўр қилишни
Нону тузга топширдим.
Мих санчилган ковушга
Қонлари ол, топширдим,
Қора доғни ювишга,
Наҳот, аёл топширдим.
Бўзтўрғайдай бўзлаб сен
Эркак бўлиб, мард кетдинг.
Нопок бола ёмон тиглади,
Яхшилигим норово, хайр.
Эшигимда аёл йиғлади,
Бахшилигим норово, хайр.
Оқ кўйлакка кириб чиққан дам
Телба бўлган шамоллар, хайр.
Келинимдай нокас эрни ҳам
Худо билган аёллар, хайр.
Минг дод дедим: хиёнат суйган
Садоқатнинг қўллари яра.
Шу қўлларни куйлашни суйган
Ўланиминг тиллари яра.
Уят – ўлим, чиқар бўлди жон,
Оқ ёмғирим, оқ қорим, хайр.
Кўйлагингга сачрамасин қон,
Қизғалдоқли баҳорим, хайр.
Тупроқ кўча ичида армон –
Илк қадамим, сўнг пойим, хайр.
Лойқа сувлар четида нолон
Қамиш чалган Нарпайим, хайр.

ОРОЛ

Орол,
Сен ор сўзидан бунёдсан, асли,
Қўллари очигим,
Бияга сув бергин, бўта ўлмасин.
Энди кўз ёригач, томчи сут келмай
Туз, қум ялаб кета-кета ўлмасин.
Сўйла, жоним, бардош номли зотингдан,
Айланайин Орол деган отингдан.
Орол,
Қўллари очигим,
Балиғингни ўғирлаган тун кечани кечирдинг,
Ўзи пушаймон бўлар деб ким нечани кечирдинг,
Бола дединг, катта бўлса ташлар одатин дединг,
Ўзларингни тишлаб қочган тулқичани кечирдинг.
Камқонлик бошланди келинларингда,
Ойи, куни яқин гулдек келинлар
Бир маъюс ўйланиб қолди, оғридинг.
Химикат ортилган қатор поездлар
У томон йўлини солди, оғридинг.
Бутун соғлиғингни миллион-миллион деб
Айтилган чўпчаклар бера оларму?
Орлигим,
Болалари олис кетган онадек
Бир четда бўзладинг, бир четда ёндинг,
Ҳасратлардан куйиб кетган бағрингга
Шўр сувдан бир ҳовуч урдинг, айтмадинг.
Қирғоқда базмлар қилди кимлардир,

Хоҳи тун, хоҳ кундуз шикор қилса-да,
Оқ қушга ўқ отиб, охулар қувиб,
Кўзингга туз сочиб хор-зор қилса-да,
Жимгина оғридинг.

Сўйла, жоним, сўйла адолатингдан,
Айланайин Орол деган отингдан,
Пулми ўша жойда ҳисобланди-ю,
Қонлар майда-майда ҳисобланди-ю,
Биргина соғлигинг ҳисобланмади.

Бутун соғлигингни ўйламай таққан
Нишондор кўкраклар бера оларму?
Мадорингни сўраб, ҳолингни сўриб
Қаппайган чўнтаклар бера оларму?

Газет оввораиди кимнидир мақтаб,
Журнал оввораиди кимнидир мақтаб.
Ў, қанча китоблар, шеърлар ёзилди,
Бутун соғлигингни сен ҳақингдаги
Афсона, эртаклар бера оларму?

Орлигим,
Аёллар калишим икки бўлсин деб
Сочлари гоҳ қиров, гоҳ қор супурди,
Юртга тош ёғса-да, план тўлсин деб
Кимдир олти миллион дея кўпирди.

Олтин талашганлар тортқилаб йиртган,
Этагинг ўпаркан маъюсгина жим,
Англадим,

Сен онасан,
Минглаб бўталари бўзлаб чақирса,
Саҳролар оралаб қайтган биядек
Ортингга қайтасан,

Оқ сут оққан елинингдан, оёгингдан айланай,
Оналигай, оналигинг чиқармиди ёдингдан?
Бизга берган сабоғингдан, сабоғингдан айланай,
Айланайин Орол деган отингдан.

* * *

Кўзларимда осмон йиғлар,
Юзларимда сомон йиғлар.
Қизгалдоқлар юрагимда
Алвон йиғлар, қон-қон йиғлар.
Соғинч деган саҳро аро
Менга қараб жийрон йиғлар.
Ватан менинг жон жойимда,
Карвонимда, кўчимдадир.
«Мен Ватанда эмасдирман,
Ватан маним ичимдадир».
Мен очликдан қўрқмагайман,
Мен йўқликдан қўрқмагайман.
Юртсиз бошим томон учган
Тиғ, ўқликдан қўрқмагайман,
Фаришталар асрар мени.
Кўзларики чўлпон йиғлар
Олисларда исмим айтиб,
Имлаб-имлаб бир нон йиғлар,
Нигоҳим ям-яшил қирғоқ
Ул дарёни кечимдадир.
«Мен Ватанда эмасдирман,
Ватан маним ичимдадир».
Ким айтадир мен йиғладим?
Юрагимда бир юрт йиғлар,
Ким айтадир ўт йиғламас?
Жондан ўтса ўт, ўт йиғлар,

Ким айтадир бургут мағрур?
Тогдан кетса бургут йиғлар.
Ватан тошлар теккан бошим,
Саволимда, ечимдадир,
«Мен Ватанда эмасдирман
Ватан маним ичимдадир».
Мен ундадир, жон ундадир,
Кетган бўлса жасад кетган.
Тугунига тутиб борин
Қайғу кетган, ҳасрат кетган.
Дегайлар мусофир бўлмай
Мусулмон бўлмагайсан ҳеч.
Ҳар мусофир томиримда
Минг битта мусулмон йиғлар.
Бўғзим узра минг-минг фарёд
Фарзанд кўриб ҳайрон йиғлар.
Ватан олган нафасимда
Кундузимда, кечимдадир.
«Мен Ватанда эмасдирман,
Ватан маним ичимдадир».

Минг йилки ташнаман, кавсар истадим,
Минг йил шўр яладим, хуштар истадим.
Дил тараб айлади гул соғинчида
Бир Хайём истадим, анвар истадим.

Саҳрони силтадим, яшиллан, кўкар,
Аждар тишин синдирган гуҳар истадим.
Муҳаббат битигин ўқий олгувчи
Кўнгилкўз истадим – ахтар истадим.

Қачонки бу истак илкидан тутдим,
Қамиш кўксин эмган шаккар истадим.
Минг йилки қақнуснинг жонига жойли
Тановар истадим, тумор истадим.

Мен билан ишқ ўтин сувдек ичувчи
Мажнунвор истадим, тумор истадим.
Изтироб тунида тонглар ҳақида
Хушхабар истадим, изҳор истадим.

Мен неки истадим йиғлаб истадим,
Уйғоқлик истадим, бедор истадим,
Сескансин, кўз ёшим сачраб уйғонсин,
Мен Наврўз истадим, баҳор истадим.

* * *

Сўзингиз ширинки, бол боғлаб новвотга келибдир,
 Кўнглингиз нозикки, парилар иззатга келибдир.
 Бу хил иззат аро, илтифот аро
 Дунё кўркка келибдир, тароватга келибдир.

Топиб сўз айтишга интизор Бедил
 Сиздан сабоқ сўраб ижозатга келибдир.
 Қушлар тонг чоғида, бомдод чоғида
 Сизга қўшилибдир, ибодатга келибдир.

Таваллуд кунингиз булбул ғазалхон
 Бешигингизга кўниб маҳоратга келибдир.
 Атиргул ғунчалаб, меҳр кўпайиб,
 Борлиқ яшилланиб, ҳароратга келибдир.

Айни гул чоғингиз, йигит чоғингиз
 Мажнун ила Фарҳод хизматга келибдир.
 Нур истаган ёрки, ёр истаган борки
 Узлатни тарк этибдир, улфатга келибдир.

Сизким бир Бобурий, Сизким Темурий,
 Дунё хазинага, давлатга келибдир.
 Хазинага топилмас, давлатга топилмас,
 Муҳаббатга келибдир, муҳаббатга келибдир.

ВАТАНДАН БОШҚАСИГА МЕН МУҲАББАТИМНИ БЕРМАСМАН

Ишим эмас вафо тилаш, давосиздан даво тилаш,
Кўксим узра ёмғир ёғди ёш аралаш, тош аралаш.
Ул ёшларни сидирмасман, кўнгил хатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Қумри сирли овоздадир, оғочлари пардоздадир,
Бундан баҳор мангу кетмас, майсалари намоздадир,
Ибодатимни бермасман, ҳидоятимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Чап кўксимда сайроқи қуш учишлари сафолидир,
Санчишлари маънолидир, кўз ёшлари даъволидир.
Унинг-ла ишқ ҳақидаги дил суҳбатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

На хуш, вужуд шаҳри ичра залолат йўқ, маломат йўқ,
Ғанимлардан енгилмоқ йўқ, умидимга тамомат йўқ,
Ғафлатнинг тиканзорига гул сифатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Унингсиз тўкилган сутман, унингсиз эзилган тутман,
Унингсиз буғдойи пишиб унутилган бир ҳудудман,
Муҳаббатсизлар чанг солса, малоҳатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Фақат у деб жондан кечсам оҳ демасман, воҳ демасман,
Фақат у деб аршдан тушсам оҳ демасман, воҳ демасман.
Аллоҳнинг ёди-ла кечган хуш лаззатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Баҳормидим, кумуш-кумуш қормидим,
Ишқ боғида йўкмидим ё бормидим?
У келмади, мен ҳам йўқлаб бормадим,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишқи йўқ, сир-аёнимга етмагай
Ки, йилларки сарсонимга етмагай,
Бу не хижрон, фиғонимга етмагай,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишқ карвонким, қўнғироғи зор ўтгай,
Ёди ила ёдимдан баҳор ўтгай,
Ким айтадир ул карвон такрор ўтгай?
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Кўзин эслаб кўздан дарёлар оқди,
Ёш бошимга эски савдолар оқди,
На хуш синов, на хуш иншолар оқди,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Хомуш-хомуш ёққан оқ қорлар гўзал,
Иккимизга таниш асрорлар гўзал,
Айрилиқда, ишққа иқрорлар гўзал,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Менинг сўзим ёниб ўчгай пайконда,
Менинг кўзим ёр яшаган томонда,
Менинг кўнглим Аллоҳимда, осмонда,
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

* * *

Термулгим келади кўзларингизга,
Куйдиргим келади армон тўнини.
Кўнгилдан кечадир бир юпанч уни,
Муҳими термулмоқ эмасдир ишқда,
Муҳими соғинмоқ, севмоқ муҳими.
Ҳижрон боғларида куйди бир дарахт,
Чорламоқ истадим оққуш руҳини.
Кун ботарда уфқ ортидан элас
Эшитгандай бўлдим оққуш оҳини.
Муҳими етишмоқ эмасдир ишқда,
Муҳими соғинмоқ, севмоқ муҳими.
Эшитгим келади овозингизни,
Жонимда йиглайди минг турфа гуллар.
Ишқий ҳасратларга чулғанди нечун
Кўздан юраккача борувчи йўллар?
Ёруғ хаёлларга эргашдим мен ҳам,
Покиза тушларга топширдим ўзни.
Азизим, азизим айтинг нимага,
Нечун йиглайдирман эсласам кузни?
Кўз ёш боғингизда обиравондир,
Умрим бошдан-оёқ фарқи ҳижрондир.
Ахир шу яшашми, кун кўриш шуми?!
Муқаддас оятлар келар жавобга.
Муҳими кун кўрмоқ эмасдир ишқда,
Муҳими соғинмоқ, севмоқ муҳими.

БАҲОРЛАР КЕЛАДИ, БИЗ, СИЗ ЎТГУВЧИ

Хушлашиб кезайлик баҳор боғларин,
Кулиб кеткизайлик юрак доғларин,
Ғанимат сезайлик баҳор чоғларин,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.
Гарчи ёлгончилар тарзимас дунё,
Башоратгўй айтган фарзимас дунё,
Битта кипригингга арзимас дунё,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.
Жуда тез айланар кажрафтор гали,
Соғинч эшиклари очган маҳали
Кўзингга термулиб тўймадим ҳали,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.
Қизғалдоқ васли баҳордек ғанимат,
Камалак умрида бордек ғанимат,
Сену мен кафтдаги қордек ғанимат,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.
Биз учиб кетармиз уфқдан нари,
Неча малойику неча хур сари,
Кўнглигни айт менга, кўнглим сарвари,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.
«Ошиқлар ўлмайди, ёнмас дафтарлар,
Яхши одам эди», – дея айтарлар,
Бир кун қир ортидан бизсиз қайтарлар,
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи.

Оқ гул ҳидлаб ўсганмисиз,
Оқ тут шимиб ўсганмисиз?
Оқ тунлари оқ парини
Эмиб-эмиб ўсганмисиз?

Паризодми палаклари,
Ўйчан кўзми, қалам қошми?
Ой санамнинг бир томони
Ой томонга қариндошми?

Ҳаққуш билан дилдошмисиз,
Оққуш билан сирдошмисиз?
Тошкентимнинг гавҳарлари,
Моҳлар билан йўлдошмисиз?

Кийганингиз оқ ипакми?
Оқ марварид тишларингиз.
Тугамасин, тугамасин
Савоб отли ишларингиз.

Оқ атиргул опангизми,
Ойнангизми ойнакўллар?
Сизни кўрса ойдинлашар
Бу юраклар, бу кўнгиллар.

Таваллуд кун – табаррук кун
Оқ чехрани оқ гул этинг.
Ушбу гуллар, ушбу шеърни
Табрик дея қабул этинг.

Келишган азизим, кўркам азизим,
 Бу дунё доимо бир кам, азизим.
 Кўзингизда ёш-ла кулиб боқарсиз,
 Бу кулгу бунчалар хушғам, азизим.

Оқ кўнгил азизим, оқ дил азизим,
 Ўзимман армонга сингил, азизим.
 Пойандоз ташладим мен мағрур туриб,
 Бош эгиб ўтарсиз, оқ йўл, азизим.

Йўлингизни берсин, хандон етгайсиз,
 Қанотимга санчиб камон етгайсиз,
 Мен ўша камонни силаб яшарман,
 Сиз эсон етгайсиз, эсон етгайсиз.

Сўзларни сўзламанг, гул каби тишланг,
 Тишларки мисоли оққанд азизим.
 Жимлиги меҳрванд, жимлиги каманд,
 Жимлиги жонимга пайванд азизим.

Хушчақчақ азизим, дилхуш азизим,
 Рухим осмонида оққуш азизим.
 Мен жонимни бердим, борман ёки йўқ,
 Ёр бермоқ жон бермоқ эмиш, азизим.

Ерда дуо дедик, осмон етгайсиз,
 Музларни эритдик, равон етгайсиз.
 Тошларни силадик, ипак бўлдилар,
 Сиз омон етгайсиз, омон етгайсиз.

Биз сиз билан кўришмайин кетганмиз,
Юлдузи йўқ самоларга етканмиз.
Ҳажр даштдир, йўқолганмиз – етганмиз,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Тиглардан жим ўтилдимикин, ёр,
Енгилмоққа кўникилдимикин, ёр,
Биз йиғладик, улар кулдимикин, ёр,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Неча йилки сўровларда йўқдирмиз,
Ширин араз, чорловларда йўқдирмиз,
Изловларда, йўқловларда йўқдирмиз,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Мен томонга баҳорлар юрмай қўйди,
Ўсмаларим қуёшни кўрмай қўйди,
Ғийбатчининг итлари хурмай қўйди,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Дил торида юрак гулхан ёқурман,
Дарёдирман, боғлар сари оқурман,
Ул боғлардан маъюс-маъюс боқурман,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Биз сиз билан кўришмайин кетганмиз,
Юлдузи йўқ самоларга етганмиз,
Балки, ул кун бу дунёдан ўтганмиз,
Ғанимларнинг кўнгли тўлдимикин, ёр?

Неча йил тушда ҳам кўрмасман,
 Кўзимдан дур оқар, термасман,
 Ханжарсиз, юракдан суғурмасман,
 Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Соғинч саҳросида кийик сирдошим,
 Аждар оғиздаги гул жабрдошим,
 Бўронларда учган қуш фикрдошим,
 Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Оқ гуллар очилган рўз менга,
 Бу сокин улуғвор куз менга,
 Ғуссаи азизим, сиз менга
 Шунчалар яқинсиз, яқинсиз.

Ҳасратим қонида яшайсиз,
 Ҳайрату ҳайронида яшайсиз,
 Дил қушим жонида яшайсиз,
 Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Уммон хаёлида чўллайвераман,
 Баҳорда муждалар йўллайвераман,
 Нафасингиз келар, гуллайвераман,
 Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

* * *

Соғинч ханжарлари жонимни пойлар,
Сизни деб бу юрак зардоблар бойлар,
Сизни деб кўзлардан қуримас сойлар,
Бизни ҳам гоҳи-гоҳ эслаб қўйгайлар.

Мен нима, дарёда оқаётган гул,
Мен – кема ўпқондан омон чиққан ул,
Мен – тугма жонидан игна ўтган қул,
Бизни ҳам гоҳи-гоҳ эслаб қўйгайлар.

Армоннинг белида кетган кийиғим;
Асл ёр, асл зот, асл суйиғим,
Юракни япроқдек еган кийиғим,
Бизни ҳам гоҳи-гоҳ эслаб қўйгайлар.

Кўнгил тахтларига пешладик сизни,
Кўклам қушларга дўстладик сизни,
Гул чоғи гул бўлиб эсладик сизни,
Бизни ҳам гоҳи-гоҳ эслаб қўйгайлар.

Хийлага учганнинг жони жазода,
Жодугар иши бу ё макри бода?
Қурбақага ишқи тушган шахзода,
Бизни ҳам гоҳ-гоҳ эслаб қўйгайлар.

* * *

Тоғ тоғ билан учрашмайди,
Сен тоғ бўлдинг, мен тоғ бўлдим.
Қор қоплаган, зор қоплаган
Чорбоғ бўлдинг, чорбоғ бўлдим.

Қанча итлар ҳурди менга,
Дилдоғ бўлдим, дилдоғ бўлдим.
Қон йиғладим, ўз-ўзимга
Сабоғ бўлдим, сабоғ бўлдим.

Кийикчалар сув ичсалар,
Бир бахтиёр қирғоқ бўлдим.
Оққуш пари чўмилганда
Оппоқ бўлдим, оппоқ бўлдим.

Қизғалдоқлар кўйлак кийган
Ўтлоқ бўлдим, ўтлоқ бўлдим.
Тош ютса-да, тилин тийган
Қумлоқ бўлдим, қумлоқ бўлдим.

Бир кўрмадинг, ҳол сўрмадинг
Қандоқ бўлдим, қандоқ бўлдим.
Бўшанг куёв ўғирлатган
Белбоғ бўлдим, белбоғ бўлдим.

Мен яшай олмайман хотирни ўраб,
 Сенга пок тилаклар совға қиламан.
 Тонглар уйғонаман сенга бахт сўраб,
 Бир қарғаб, минг марта тавба қиламан.
 Сен яшай олмайсан чўнтакка тиқиб
 Ширин қасоскоринг – соғинч исини.
 Кундузлар шеъримни яшириб ўқиб,
 Пичирлаб чиқасан тунлар исмимни.

МУНДАРИЖА

«Аёлга бахт беринг, саодат беринг...»	3
Сен аёлсан	4
Ўзалсиз	5
Аёлга гул беринг	6
Саодатга	8
Фазолатга	9
Бу овулнинг ёнидаги чечакка, гулга	10
Аёл	11
«Даладан етаклаб келганинг...»	12
«У, у аёл армонсиз дема...»	14
Ўзбекистон	16
Ўзбекистон отамга ўхшар	17
Ватан тинч – биз тинч	18
«Шу Ватанни севаман жондан...»	19
Ватанни ҳар кимга ишониб бўлмас	20
Ватан деган сўз	22
«Истиклол – олтин гулим...»	23
Ватан ҳимоячиларига	24
Мустақилман, учиб юрибман	26
Энасойим маним	28
«Мана, турна қайтди, қайтди кумрилар...»	29
Мустақиллик	30
Афсона	31
Шукрона	32
Мехр дарахтига илдиз бўлайлик	33
Ватан байроғини ўпган йигитлар	34
Ватанимнинг байрамига, тўйларига	36
Тошкент	38
«Менинг боболарим йиглаб келганни...»	40
Наврўзда йўқла	41
«Москва кўз ёшларга ишонмайди»	42
Йўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд	43
Нарпайда куз	44
Кишлоқ соғинчи	45
Дунё	46
«Шоҳни ҳам, гадони ҳам...»	47
Пеленинг синглиси	48
Самарқанджоним	50
«Тезроқ кел, отамнинг соғлиғи ёмон»	51
Самарқандда	52
«Ҳаволари жонга малҳам...»	54
«Ватанни севганлар Ватанда азиэ...»	53
«Саҳиҳи Бухорийга...»	56
Бобур Ватанга интилу	58
Боллага китоб беринг!	60

Гиждувоний боғларида мангу баҳор	62
Муаллим деганимда	63
Хоразм ҳақида қўшиқ	64
Ойбек домлага	66
«Ота!..»	67
Ўзбекистон халқ шоири Шухратни хотирлаб	68
«Клубга келганимиш Ботир Зокиров...»	69
Сергей Есенин	70
Хосият Рустамовага	71
«Неки қилсам, келаверди чап...»	72
Ишқ	73
Академик Иброҳим Мўминовга	74
«Ота, одам бўлмадим мен...»	76
«Ота, қизинг олис кетди...»	77
«Мен кимман?...»	78
«Бу одамнинг боши тош эрур...»	79
Ханжар аравакаш хотирасига	80
Яхши одам ҳақида оддий сатрлар	82
Бобомнинг Ялтадан қайтиши	83
Курсдошим шоир Равшан Файз хотирасига	84
Қизларимга	86
Жамилахон ва Комилжон Синдаровларга бағиштайман	87
Фарида Афрўз	88
Озода Бекмуродовага	90
Бўри бўлиб увлашни биладиган бир яшар бола Низомиддинга	91
Бойсунлик полвон	92
Мухаббат мавжуд	93
Болажон	94
Чўпон бола	96
Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқовага	97
Гудакнинг томчи ёшида	98
«Ҳой оқ илон, оппоқ илон...»	100
«Қизил гулдек қирқилса жон...»	102
Куз	103
«Қайдасан деб сўрамагин...»	104
«Ога, гараз қора, кинлар қорадир...»	105
«Ҳаимага қўнувчи бир қуш эмасман...»	106
«Ўзинг айт, қурбонинг бўлай...»	107
«Бунча мени боғладилар, қанд эканлар...»	108
«Юрак, сенга нима ёмонлик қилдим?...»	109
«То сизга еткунга билсам-да...»	110
«У ўлди – бевафо...»	111
Мунаввара Усмоновага	112
«Сен деганда кўзимда нам...»	113
Қутлибека Раҳимбоевага	114
Гулистон Матёкубовага	116
Ойдиннисога	118

Садоқатнинг сурати	119
Гавҳар Ибодуллаевага.....	120
Эшмат ака, Тошмат акалар.....	122
Ҳаётхон Ортиқбоевага.....	124
Қутлов.....	126
Қомусимиз, қанотимизсан.....	128
«Кўнглим кўнгли гулга пайванд бўлибдир...».....	129
Баҳор хабарим бор.....	130
Ўзбекман.....	131
Кўзларингни соғинганман	132
Бог аро.....	133
Ҳамқишлоқларимга.....	134
«Менинг қўлларим калта...».....	136
Майса.....	137
Янги йил билан қутлайман!.....	138
«Гоҳ тўнлар уйғониб йиғлайсан сен ҳам...».....	140
Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимга.....	141
«Менга кўп тошларинг отмагил, ағёр...»	142
«У сени эшикда кутиб олади...»	143
Болалик.....	144
«Мен уни боқлайман мана шу кундан...»	145
Халқ оҳанглари	146
Қишлоғни кутаётган бобомга.....	147
«Кўпдан сени соғинмай қўйдим...»	148
«Ҳеч ким кузатишга чиқмади мени...»	149
«Тўққиз ойу тўққиз кун ўтиб...»	150
«Кўз ёшларим – оққуш, уларни...»	151
«Сен ўзингдан кетдинг...»	152
«Кўксимга санчган пичоғингни...»	153
«Мендан ажраш жуда ҳам осон...»	154
«Мени қарғамасин, айтинг, у аёл...»	155
«Менинг жоним биттадир...».....	156
«Бунчалик нафси оч, кўзи...»	157
«Мен кетаман...»	158
Соғинч.....	159
«Сени кутдим, бу тор йўлакка...».....	160
«Чиркилар эди вақт ортидан соат...».....	161
«Виждонинг кирлаган бўлса, чўлга бор...».....	162
Болалар уйининг боласига	163
«Кетдинг...».....	164
«Шеър ёзиш – игна билан жонни қазишдир...»	165
«Мен алдаб яшадим ўзимни ўзим...».....	166
«Сен унга севаман деб айтолмайсан...».....	167
«Асл ёринг бўлса-ю омон ёр-а...».....	168
«Қоғозга, қаламга, соатга қараб...»	169
Миллатпарастман	170
Нарпайлик бахши	171

Орол.....	172
«Кўзларимда осмон йиғлар...»	174
«Минг йилки ташнаман, кавсар истадим...»	176
«Сўзингиз ширинки, бол боғлаб...»	177
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.....	178
«Баҳормидим, кумуш-кумуш қормидим...»	179
«Термулгим келади кўзларингизга...»	180
Баҳорлар келади, биз, сиз ўтгувчи	181
«Оқ гул ҳидлаб ўсганмисиз...»	182
«Келишган азизим, кўркам азизим...»	183
«Биз сиз билан кўришмайин кетганмиз...»	184
«Неча йил тушда ҳам кўрмасман...»	185
«Соғинч ханжарлари жонимни пойлар...»	186
«Тоғ тоғ билан учрашмайди...»	187
«Мен яшай олмайман хотирни ўраб...»	188

Адабий-бадиий нашр

Зулфия МҶМИНОВА

АЁЛГА ГУЛ БЕРИНГ

Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусахҳих: Элбек ЖУМАНОВ

Нашриёт лицензияси: АЎ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 28.05.2017 й.

Босишга рухсат этилди: 22.06.2017 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂

Minion Pro гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 10. Шартли б.т.: 8,4.

Адади: 2000 нусха.

Буюртма № 227.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100096, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.

100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоххўчаси 44-уй.



18.000 сўм.



ЗУЛФИЯ
МЎМИНОВА

Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркак юрагидан унган гулларни.
Аёлга гул беринг, шундай гулларки,
Эркакнинг меҳридан унган гулларни.
Азизам, онам денг, эъзозга ўранг,
Кўзингизга суртиб этакларини.
Мана шу ҳазрати аёл улғайтган
Дунёнинг ҳазрати эркакларини.
Ҳар битта эркакнинг умр йўлида
Балодан ҳутқариб қолган аёл бор.
Аждарнинг оғзидан, жар ёқасидан
Сочи-ла сугуриб олган аёл бор.
Аёлни, Ватанни севган насллар
Асрлар қаъридан этади огоҳ,
Аёлни алдамоқ, онани сотмок
Ватани сотмоқдек энг оғир



ISBN 978-9943-



9 789943 497894